БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТ (большевик)ЛАР ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 63 (6738)
28 МАРТ ЖУМА 1947 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Улуғ Октябрьнинг ўттиз йиллигини муносиб кутиб оламиз (1-нчи бет).
ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлимида (1-нчи бет).
Илғор бригада ва звенолар чигит экиб бўлди (1-нчи бет).
Колхоз, совхоз ва МТС партия ташкилотларини мустаҳкамлаш—кўклам экин кампаниясини муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир (2-нчи бет).
Халқни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялайлик (3-нчи бет).
Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида 3-нчи ва 4-нчи бетлар).
И. В. Сталинга Румониянинг фахрий граждани унвони берилди (4-нчи бет).
Тавризда Эрон мажлисига «сайлов» (4-нчи бет).
Трумэн буйруғи (4-нчи бет).
СССР Олий Совети депутатлари делегацияси Англияда (4-нчи бет).
Дамашқда Совет Иттифоқига борган Сурия делегацияси шарафига қабул маросими (4-нчи бет).

Колхоз партия ташкилотларининг ишлари янги вазифалар даражасига кўтарилсин

Республикамизнинг ҳамма область ва районларида, колхоз ва совхозларида дала ишлари кунсайин кучаймоқда. Сўнгги ма'лумотларга қараганда Ўзбекистонда 80 минг гектардан ортиқ ерга чигит экилган. Қулай об-ҳаво шароити экишни тобора қизитиб юборишга имкон бермоқда. Барча колхозчилар МТС ва совхоз ишчилари, тракторчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари учун зўр бериб ишлайдиган, ижодий меҳнат қиладиган кунлар келди.

Шу кунларда колхоз, совхоз партия ташкилотларидан, ҳарбир коммунистдан бевосита далада, шу йилги ҳосилнинг тақдири ҳал бўладиган бригада ва звеноларда, иш тепасида бўлиш, ташкилотчилик қобилиятини амалда кўрсатиш, ўз участкасида барча колхозчиларга ибрат бўлиш, колоқларни ўз орқасидан эргаштириб, республикамизда қишлоқ хўжалигининг янада кўтарилишига эришиш вазифаси турибди.

ВКП(б) Марказий Комитетининг февраль пленуми «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган тарихий қарорида қишлоқ хўжалигини ҳар жиҳатдан ривожлантиришнинг кенг программасини чизиб берди.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг XVI пленуми шу қарор асосида Ўзбекистон партия, совет ташкилотлари олдида турган жанговар вазифаларни батафсил белгилаб ўтди. Пленум қарорлари, бу йил қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасида олдимизда турган вазифаларнинг улуғ ва мас'улиятли эканлигини кўрсатиб турибди. Пленум қарорларининг муваффақият блан бажарилиши эса ҳаммадан илгари барча партия ташкилотларидан қишлоқ хўжалигига раҳбарлик соҳасида амалий-ташкилий ишларни кучайтириш, оммани сиёсий жиҳатдан тарбиялашни қат'ий талаб қилади.

Республикамизнинг колхоз ва совхозларида 4 мингдан ошиқ партия ташкилотлари бор, бу ташкилотлар 42 мингга яқин партия а'зо ва кандидатларини уюштирган. Колхозлардаги партия ташкилотлари қишлоқ хўжалигининг пешқадам кишилари пахтадан, ғалла ва қанд лавлагидан мўл ҳосил етиштирган минглаб тажрибакорларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, колхоз қурилишининг моҳир раҳбарлари ва ташкилотчиларини ўз сафларида бирлаштиргандир.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пленуми колхозларда олиб бориладиган ташкилий-партиявий ва оммавий-сиёсий ишларнинг асосий мазмуни, колхозчиларни давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш руҳида, колхоз ишига онгли суратда қараш, Қишлоқ хўжалик артели уставини оғишмай амалга ошириш асосида колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш, колхоз мол-мулкини талон-тарож бўлишидан сақлаш руҳида тарбиялашдан иборат бўлмоғи керак, деб та'кидлади. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги мана бу асосий сиёсий вазифа — бевосита колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларидан колхоз ишининг ҳамма соҳасига раҳбарлик ва амалий ёрдамни тобора кучайтиришни, ўзининг жанговарлик қобилияти ва ташкилотчилик ишини янги вазифалар даражасига кўтаришни талаб қилади.

Колхоз партия ташкилоти даставвал коммунистлардан ўз бригада ва звеноларида яхши ва унумли ишлаб, ҳаммага ибрат кўрсатишни талаб қилмоғи керак. Большевиклар партияси энг илғор ва энг жанговар ташкилотдир. Бу, ҳарбир коммунистдан ишларни пассив бажаришгина эмас, балки онгли суратда фаол ҳаракат қилишни, ташаббус кўрсатишни, топширилган ҳарбир ишга партиявийлик кўзи блан қарашни талаб этади. Коммунист илғор кишидир. Шунинг учун ҳам у ҳарбир ишда илғор бўлмоғи керак. Мана буни ҳарбир коммунистнинг онгига чуқур етказиш зарур.

Қорасув район Вильямс номидаги колхоз партия ташкилоти (секретари ўртоқ А'зам Салёмов)нинг иш тажрибалари шу жиҳатдан кўпгина партия ташкилотларига намуна бўларликдир. Бу колхозда коммунистларнинг асосий кўпчилиги бевосита далада ишламоқда. Коммунистлар барча бригада ва звеноларга тўғри тақсим қилинган. Партия ташкилоти пленум қарорини муҳокама қилиб чиққандан кейин, бригада ва звеноларга берилган ҳосил планини қайтадан кўриб чиқди. Коммунистлар бошлиқ бригада ва звенолар бу йил ҳаммадан кўп, ўтган йилгига қараганда ҳам ошиқ ҳосил бериш мажбуриятини ўз устларига олдилар. Колхоз партия ташкилоти, барча колхозчилар оммасини пленум қарорлари асосида мўл ҳосил учун курашга, белгиланган меҳнат нормаларини муттасил ошириб бажаришга сафарбар қилмоқда.

Вильямс номли колхозда шу кунларда чигит экишни графикка мувофиқ қизғин олиб бормоқдалар. Колхоз партия ташкилоти, колхозчилар ўртасида олиб бориладиган барча партиявий-ташкилий, сиёсий-оммавий ишларни, бу йил пахтадан ва барча қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олишга, чорвачиликни ривожлантиришга қараб олиб бормоқда.

Республикамиздаги барча колхоз партия ташкилотларининг ВКП(б) Марказий Комитети пленум қарорларидан ўз ишлари учун мана шундай тўғри ва амалий хулоса чиқара олишига, колхознинг чинакам раҳбари ва ташкилотчиси, колхозчиларнинг ғамхўри бўлишига эришиш лозим.

Колхоз бошланғич партия ташкилотларига правления иши устидан назорат қилиш ҳуқуқи берилган. Партия ташкилотлари мана шу ҳуқуқдан тўла фойдаланмоқлари, ҳозирги кунларда экиш ишларининг боришида, тракторлардан унумли фойдаланишда содир бўладиган ҳарбир камчиликни ўз жойида тугатишда, правленияга амалий ёрдам бермоқлари лозим. Партия ташкилоти—коллектив хўжаликнинг ҳамма икир-чикирларини, фойдаланилмаётган барча имкониятларни ишга сола билмоғи, қишлоқ хўжалик артелини сталинча устав кўрсатган тўғри йўлдан бошлаб бормоғи керак.

Бунинг учун ҳарбир колхоз бошланғич партия ташкилоти кўклам экин даврида, пленум қарорларини тўла бажаришга қаратилган ва колхозлардаги барча имкониятларни ҳисобга олган иш планига эга бўлиши, бу планда коммунистларнинг ҳаммасини партия топшириқлари блан та'минлашни кўзда тутиш шарт.

Колхоз партия ташкилотининг бутун иши, коммунистларнинг сиёсий-ғоявий савиясини оширишга, айниқса ёш коммунистларни тарбиялаш, омма ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришга хизмат қилсин. Бу эса колхозлардаги бошланғич партия ташкилотларини янада мустаҳкамлашга, коммунистларнинг ҳамма соҳадаги етакчилик ролини кўтаришга кенг йўл очади.

ВКП(б) Марказий Комитети пленумининг қарорлари Ҳукуматнинг пахта, ғалла ва қанд лавлагидан мўл ҳосил етиштирган илғорларга нисбатан кўрсатаётган иззат-ҳурмати, кенг колхозчилар оммасини, совхоз ишчиларини, қишлоқ хўжалик мутахассисларини янги-янги қаҳрамонликларга илҳомлантирмоқда. Октябрь 30 йиллигини муносиб кутиб олиш шиори остида бошланган умумхалқ мусобақаси қатнашчиларининг сафи тобора кенгаймоқда.

Қишлоқ хўжалигини ҳар жиҳатдан ривожлантириш, пахтачиликни шу йилнинг ўзидаёқ урушгача бўлган даражасига етказиш ва деҳқончилик ишларини машиналаштириш шиори остида бошланган шу мусобақада колхоз, совхоз партия ташкилотлари, ҳарбир коммунист ўзига муносиб ўринни эгалламоғи лозим. Коммунистлар социалистик мусобақа шартномаларида кўрсатилган мажбуриятларни бажаришда барча колхозчиларга намуна бўлмоқлари, кенг оммани ўз орқаларидан эргаштирмоқлари, мусобақанинг оммавий ҳаракатга айланишида ташаббусчи ва ташкилотчи бўлмоқлари лозим.

Ҳарбир колхоз ва совхоз партия ташкилотининг омма ўртасидаги ташкилий ва сиёсий ишлари қишлоқ хўжалигимиз олдида турган мана шу буюк вазифалар даражасига кўтарилсин.

Илғор бригада ва звенолар чигит экиб бўлди

(«Қизил Ўзбекистон» мухбиридан)

Янгиқўрғон район Ленин қишлоқ советидаги илғор Ворошилов номли колхознинг ўртоқ Раҳимов бошлиқ бригадаси бу йил 30 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган.

Бригада пахта майдонини трактор блан бир марта ҳайдаб, 25 гектарини эса, иккинчи ҳайдовдан чиқарди, шундан 20 гектарига чигит экди. Ўртоқ Соттихон Каримова бошлиқ звено 5 гектар ерига биринчи бўлиб чигит экиб бўлди.

Ўртоқ Тупахон Холиқова бошлиқ бригада 21 гектар ердан 18 гектарини экишга тайёрлаб, шундан 15 гектарига чигит экди. Ўртоқ Мирзараҳим Мирзааҳмедов бошлиқ бригада 15 гектар ерига чигит экиб бўлди. Колхознинг бошқа бригада ва звенолари ҳам чигит экишни ёппасига бошлаб юбордилар.

Қароскон қишлоқ советидаги «Социализм» колхозининг ўртоқ Жўра Йўлдошев бошлиқ бригадаси 32 гектар ерга универсал блан чигит экди. Аҳмад Дадачаев 28 гектар ва Муродилла Меҳмонов бошлиқ бригада 36 гектар ерни трактор блан сифатли қилиб ҳайдаб, экишга тайёрлади. Ҳозир бу бригадаларнинг ерларига универсалчи ўртоқ Мамадалиев чигит экаётир.

Шунингдек, Ленин қишлоқ советидаги «Комсомол» ва Димитров, Ойқирон қишлоқ советидаги Сталин номли колхозда ҳам пахта ерларини трактор блан сифатли қилиб ҳайдаб, миср пахта чигитини экиш қизғин бошланди ва олдинги бригада, звенолар чигит экишни тамомладилар. Бу колхозларда чигитни ердан тез ва текис ундириб олиш учун агротехника қоидалари асосида бутун чора ва тадбирлар кўрилмоқда.

ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Фарғона область, Каганович район Нурсўх қишлоқ советидаги Ворошилов номли 2-нчи колхознинг ўртоқ Самад Саидов бошлиқ юзпентнерчи звеноси ўзининг 8.5 гектар ерига ҳаммадан олдин чигит экиб бўлди. Звенонинг дастлабки экган 3 гектар еридаги чигит текис униб чиқди.

Шу колхознинг ўртоқ Мелибой Сотиболлиев бошлиқ звеноси ҳам 10 гектар ерга чигит экиб тамомлади ва 2 гектар ердаги чигит униб чиқди.

А. ОЛИМОВ.

ҚАТТАҚЎРҒОН РАЙОНИ БАҲОРИ ДОН ЭКИШ ПЛАНИНИ БАЖАРДИ

Самарқанд область, Каттақўрғон районининг колхозлари Бутун Иттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб 21 мартда баҳори дон экиш планини бажардилар, ҳаммаси бўлиб 21.885 гектар ерга дон экилди. Шундан 20.236 гектари баҳори ғалла ва 1.619 гектари мойли ўсимликлардир. Экиш давом этмоқда.

Улуғ Октябрьнинг ўттиз йиллигини муносиб кутиб оламиз

МЕТАЛЛУРГЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРМОҚДАЛАР

Ўзбекистон металлурглари Улуғ Октябрь Революциясининг 30 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, йиллик планни 7 ноябрьгача бажариш мажбуриятини олдилар.

Металлурглар ва бинокор усталар бу йил учинчи мартен печини қуриб тамомлашлари ва ишга туширишлари, электростанция қозонини ўрнатишлари, шунингдек бошқа иншоотларни, шу жумладан 6.000 квадрат метр ҳажмидаги уй-жойни қуриб тамомлашлари лозим. Ҳозирги кунда металлурглар ва бинокор усталар бу катта программани улуғ байрам кунигача бажариш учун ғайрат блан ишлаётирлар.

Октябрь олди социалистик мусобақасини қизитиб юборишда мартенчилар ва прокатчилар катта ташаббус кўрсатган эдилар. Мартенчилар февраль ойи планини 129 процент бажардилар. Улар механизмларнинг унумини анча оширдилар, металл эритиш муддатини ўтган йилга нисбатан икки соат 36 минутга камайтирдилар.

Прокатчилар ҳам яхши натижаларга эришаётирлар. Улар февраль ойи планини 120 процент бажаришга муваффақ бўлдилар.

Металлургия заводининг илғор стахановчиларидан ВКП(б) кандидати орденли Рўзибоев, пўлат эритувчи орденли Штирёв ўртоқлар меҳнат унумини анча ошириб, ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

С. ЖАЛИЛОВ.

МАШИНАСОЗЛАР МУСОБАҚАСИ

Йўллар министрлигига қарашли Тошкентдаги машинасозлик заводининг коллективи йиллик планни муддатидан аввал бажариш учун курашмоқда. Завод коллективи 1-нчи квартал планини 25 мартда бажарди ва бирнеча юзминг сўм маблағ жамғарди.

Машинасозлар ўзаро мусобақалашиб, янги хил маҳсулот ишлабчиқарзётирлар. Яқинда паровоз детальларини рандаловчи янги хил 11 дона станок ва металл пармаловчи 35 дона станок тайёрланди. Шунингдек янги хил кўпгина машиналарни ўзлаштириш учун тайёрлик кўрилмоқда.

Заводнинг илғор кишилари Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилиб умум коллективга ўрнак бўлмоқдалар. Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати стахановчи токарь ўртоқ Унсуной Аҳмедованинг бир ўзи ҳар куни 4 кишининг ишини бажараётир. Қуюв цехининг қолипчиси ўртоқ Вантман ўзининг бир йиллик нормасини 25 октябрьгача тамомлаш мажбуриятини олган эди. У ҳозир ҳар куни 3 нормадан бажараётир.

МЕҲНАТ УНУМИ ЎСМОҚДА

Тошкентдаги 1-нчи сон пойафзал фабрикаси коллективи ленинградлилар чақириғига жавобан йиллик планни 7 ноябрьгача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари 100 минг жуфт пойафзал ишлаб чиқариш мажбуриятини олди. Фабрика коллективи Ўзбекистон ССР Олий Советига сайлов шарафига бўлган социалистик мусобақада ҳам ғолиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг кўчма қизил байроғини олишга муваффақ бўлган эди. Фабрика коллективи аввалги шуҳратини сақлаб қолиш ва ўз зиммасига олган мажбуриятни бажариш учун ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб тобора унумли ишламоқда.

Февраль ойида фабрикада ўз нормасини бажармаган битта ҳам ишчи қолмади. Кўпчилик стахановчилар ишлабчиқаришда яхши натижаларга эришдилар. Масалан, ўтган йилдаёқ ўзининг икки йиллик нормасини ортдириб бажарган донгдор стахановчилардан Сора Рўзиева, Сора Қўлдошева ва бошқа ўртоқлар февраль ойи нормасини ҳам анча ортдириб бажариб, ҳозир янада унумлироқ ишламоқдалар.

Яқинда фабрикада эрталабки сменанинг иш соати тугаши блан коллективда ҳаммани ҳайратда қолдирган бир хабар тарқалди:

— Ёш стахановчи Басия кеча беш йиллик нормани бажарипти.

Дастлаб бу гапга ба'зилар «қуруқ лоф» деб қарадилар. Лекин бу аслда ҳақиқат эди. Ёш стахановчи Басия Вайсфельд сталинча янги бешйилликнинг нормасини тўла-тўкис бажарган эди. Камтар стахановчи бу мақтовлар олдида мағрурланмади. У, меҳнат унумини янада оширди, ҳар куни тўрт-беш кишининг ишини қила бошлади.

Комсомол а'зоси Басия ҳозир ҳам бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан яхшироқ ишлаш учун уринмоқда. У, март ойининг биринчи ярмида топшириқни 522 процент бажарди.

Ҳозир фабрикада ёш стахановчининг дугоналари ўзаро мусобақалашиб ишлайдилар. Шу блан бирга улар Басияга етиб олиш ва ундан ўтиб кетишни ўз олдиларига вазифа қилиб қўйганлар.

Фабрика коллективи октябрьнинг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўз қаторида яна шундай ажойиб стахановчилар сонини кун сайин кўпайтирмоқда.

ҚЎҚОН КОРХОНАЛАРИДА

Қўқон шаҳридаги саноат корхоналари Октябрь олди социалистик мусобақасига қўшилиб, ҳозирданоқ пландан ташқари маҳсулот бераётирлар. Қўқон қанд заводи февраль ойида пландан ташқари 2.087 центнер шакар ишлаб чиқарди, Микоян номли ёғ заводи пландан ташқари 70 тонна ёғ, 237 тонна кунжара, 192 тонна совун ишлаб чиқарди. 1-нчи ва 2-нчи сон пахта заводлари пландан ташқари 187 тонна тола ишлаб чиқардилар. Шунингдек, пойафзал, тикучилик фабрикалари, энергомеханика заводи ва бошқа корхоналар ҳам февраль ойи планини ошириб бажардилар.

Қўқон шаҳридаги маҳаллий саноат корхоналари ҳам пландан ташқари 220 минг сўмлик кўп исте'мол моллари бердилар.

Иззат РАҲМАТ.

МОҲИР ТЎҚУВЧИЛАР

Марғилон шаҳридаги «Байналмилал» артелининг а'золари Ленинград корхоналари коллективларининг чақириғига жавобан ўзаро социалистик мусобақани тобора қизитмоқдалар.

Артель бу йил давлатга қарийб 6 ярим миллион сўмлик атлас ва шойи моллар тўқиб бериши лозим. Артель а'золари бу катта программани бажариш учун ғайрат блан ишламоқдалар. Меҳнат унуми тобора ошмоқда. Масалан январь ойи плани 102 процент бажарилган бўлса, февраль ойига келиб топшириқ 113,6 процент бажарилди. Ҳонатлас тўқувчилардан ўртоқ М. Юсупов ўз нормасини икки баравар, Х. Абдуллаева 2 ярим баравар ошириб адо этаётир. Шунингдек Х. Тешабоева, Б. Биняминова, С. Комилова ўртоқлар ҳам ўртоқ Абдуллаевадан қолишмай ишлаётирлар.

7-нчи цехнинг илғор тўқувчиси М. Хабибуллин меҳнат унумини 440 процентгача, Х. Орипов 397 процентгача кўтарди.

Асқар ҒИЁСОВ.

КВАРТАЛ ПЛАНИ МУДДАТИДАН 14 КУН ИЛГАРИ БАЖАРИЛДИ

Сталинча бешйилликнинг иккинчи йили планини 6 ноябрьда бажариш мажбуриятини олган Тошкентдаги 2-нчи гуруч заводи коллективи социалистик мусобақада янгидан-янги муваффақиятларга эришаётир. Коллектив 1947 йилнинг I квартал планини 17 мартдаёқ адо этди.

Э. Бевин, Д. Маршалл, Ж. Бидонинг Москвада бўлишига доир

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг Москвадаги Сессиясида қатнашаётган делегация бошлиқлари В. М. Молотов, Э. Бевин, Д. Маршалл ва Ж. Бидо 25 мартда Давлат Академик Большой Театрида «Ромео ва Жульетта» спектаклини томоша қилдилар.

Театрнинг Марказий ложасида С. Бидо хоним, Франция республикасининг СССРдаги Элчиси генерал Ж. Катру ва унинг рафиқаси, Буюк Британиянинг СССРдаги Элчиси сэр Морис, Л. Петерсон ва унинг рафиқаси, генераллардан М. Кларк, П. Клей, Б. Робертсон, П. Кениг бор эди.

Совет Иттифоқи томонидан Марказий ложада П. С. Молотова, А. Я. Вишинский ва унинг рафиқаси, Ф. Т. Гусев ва унинг рафиқаси, Совет Иттифоқи Маршали В. Д. Соколовский ва бошқа кишилар бор эди.

Театрда Москвадаги Элчихона ва Миссияларнинг бошлиқлари, Совет Иттифоқи, Британия, Америка ва Франция делегацияларининг а'золари, маслаҳатчилари ва экспертлари, СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг мас'ул ходимлари, совет ва чет эл матбуотининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Марказий ложа Совет, Британия, Америка ва Франция байроқлари блан безатилган эди.

Театрдаги томошабинлар Ташқи Ишлар Министрларини самимий табриклаб қарши олдилар. (ТАСС).

ЎзК(б)П МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИНИНГ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ БЎЛИМИДА

Партиявий-сиёсий агитация ишларини кучайтириш керак

Яқинда ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пропаганда ва агитация бўлими Тошкент область, Янгийўл шаҳар партия комитетининг секретари Трофимов ва ЎзК(б)П Калинин район комитетининг секретари Сарюров ўртоқларнинг партиявий-сиёсий, оммавий агитация ва пропаганда ишларининг аҳволи ҳақида ахборотларини эшитди.

Докладчилар ВКП(б) Марказий Комитетининг партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни кучайтириш тўғрисида 1946 йил 26 июльда чиқарган қарори ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети XIV пленумининг шу масала юзасидан чиқарган қарорининг бажарилиши ҳамда партия ва совет активларининг назарий ўқуви ҳақида сўзладилар.

Калинин районида ва Янгийўл шаҳрида пропаганда-агитация ишларида жиддий камчиликларга йўл қўйилган. Асосий камчилик шундан иборатки, Янгийўл шаҳар ва Калинин район партия комитетлари Ўзбекистон ССР Олий Советига сайловдан кейин пропаганда-агитация ишларини бўшаштириб юборганлар, кўпгина агитпунктларнинг ёпилиб қолишига йўл қўйганлар.

Калинин районида партиявий-сиёсий, агитация ва пропаганда ишларининг бўш бўлганига сабаб шуки, ЎзК(б)П район комитети кўпроқ хўжалик масалалари блан шуғулланади. Меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, қишлоқ коммунистларининг назарий савиясини ошириш каби муҳим ишлар район партия комитетининг диққатидан бирмунча четда қолган. Район партия комитетининг раҳбар ходимлари меҳнаткашлар ўртасида сиёсий ва хўжалик мавзу'ларида доклад қилиб турмайдилар. Райком бюроси хўжалик масалаларини ҳарқанча кўп муҳокама қилса ҳам, аммо партия ҳаётида асосий ўрин тутган пропаганда-агитация масалаларини жуда кам муҳокама қилади. 1946 йилнинг 6 ойи ва 1947 йилнинг икки ярим ойи ичида райком бюросида фақат икки марта партия ўқуви ҳақида масала муҳокама қилинганлиги бунга далилдир.

Ҳозирги вақтда, я'ни кўклам экин кампанияси даврида ҳам агитация ишлари кучайтирилмаган. Агитаторлар далаларда кам бўладилар, улар колхозчиларга халқ хўжалиги соҳасида олдимизда турган вазифаларни тушинтириб бермайдилар. Колхозларда жонли агитация олиб борилмайди, ҳурмат тахталари тартибга солинмаган, жанговар варақалар ва деворий газеталар чиқарилмаётир.

Партия ўқуви бир системага солинмаган. Районда сиёсий ўқиш тўгаракларининг тармоқларини ҳаддан ташқари кўпайтириб юборганлар. Коммунистларнинг билимини тўғри ҳисобга олмай туриб, уларни ёппасига тўгаракларга тортаберганлар. Бунинг орқасида мустақил ўқиш, марксизм классиклари асарларини якка тартибда ўрганиш бўшашиб кетган. Тўгаракларга тортилган кишиларнинг билими бир даражада бўлмаганлиги туфайли, машғулотлар ўтказиш анча қийинлашган. Тўгарак раҳбарлари ВКП(б) тарихи қисқа курсининг айрим даврларини китобдан ўқиб бериш блан чегараланадилар. Чунончи, Ватутин номли колхозда пропагандист ўртоқ Хонов худди шундай қилган. У дарсга тайёрланмай, конспект тузмай келади. Ўртоқ Хонов ВКП(б) тарихи қисқа курсидаги мавзу'ларни тингловчиларнинг ўзларига ўқитиш блан чегараланади.

Район партия активининг ўқуви ҳаддан ташқари чўзиб юборилган. 2 ярим йилдан кўпроқ давом этган партия мактабини шу вақтгача бирор киши ҳам битириб чиқмаган. Район партия комитетининг пропаганда ва агитация бўлими партиямиз тарихини мустақил ўрганувчиларга тегишли даражада ёрдам бермайди, уларнинг марксизм классиклари асарларини ўрганишга бўлган интилишларини мустаҳкамламайди. Район партия кабинети қаровсиз қолдирилган. Бу ерда лекция ва суҳбатлар, илмий конференция ва консультациялар ўтказилмаётир.

Янгийўл шаҳар партия комитети мафкура, маданият соҳасидаги ишларни кучайтиришда, меҳнаткашларни коммунистик онглилик руҳида тарбиялашда большевистик пропаганданинг ҳамма шакл ва воситаларидан фойдаланмаётир. «Янгийўл» газетаси шаҳар ҳаётини, омма орасида олиб бориладиган агитация, оммавий-сиёсий ишларни ёритмаётир. Шаҳарда радио эшиттириш тартибга солинмаган. Аҳоли ўртасида илмий-сиёсий мавзу'ларда лекциялар жуда кам ўқилади. Фан янгиликлари, ижтимоий тараққиёт қонунлари, совет маданиятининг ўсиш истиқболлари меҳнаткашларга атрофлича тушинтириб берилмайди.

Янгийўл шаҳрида хурофотга қарши, ўлиб бораётган мафкуранинг қолдиқларига қарши, бепарволик ва бўшашувчиликка қарши кескин кураш олиб борилмаётир. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда меҳнаткашларни онгли қилиб тарбиялаш, уларни социалистик қурилиш вазифаларини ҳалол ва виждон блан бажаришга сафарбар этиш—партия ташкилотларининг, барча пропагандист ва агитаторларнинг энг муҳим вазифасидир.

Шаҳардаги илмий оқартув муассасаларининг ишида катта камчиликлар бор. Клуб, қироатхоналар, қизил чойхоналар, кино ва театрлар қониқарсиз ишламоқда. Илмий оқартув муассасаларининг бу шаҳобчалари меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган талабларидан ҳамон кейинда қолмоқда. Шаҳардаги 5 та қизил чойхонадан бирортасида ҳам сиёсий-оммавий иш олиб борилмайди, клуб ва кутубхоналар кўп вақт ёпиқ туради.

Ўртоқ Трофимов ўз докладида Янгийўл шаҳрида 12 жойда сиёсий мактаб ва 14 жойда ВКП(б) тарихини ўрганиш тўгараги ишлаяпти деб кўрсатди. Ҳақиқатда эса, бу тўгаракларда машғулотлар системали давом этмайди. Лекцияларнинг сифати паст. Машғулотлар юзаки ва зерикарли ўтади. Ёғ заводидаги ВКП(б) тарихини ўрганиш тўгарагида ҳозиргача 7 та машғулот ўтказилган. Бу машғулотларнинг ҳаммасида ҳам ВКП(б) тарихи қисқа курсининг 1-нчи бобидаги «Россияда крепостной ҳуқуқнинг бекор қилиниши ва саноат капитализмининг ривожланиши. Ҳозирги замон саноат пролетариатининг пайдо бўлиши: Ишчилар ҳаракатининг биринчи қадамлари» деган мавзу' такрор-такрор ўқилган. Тўгарак раҳбари тингловчиларга партиямиз тарихидаги энг муҳим даврларни факт ва далиллар блан сўзлаб бермаган. Пропагандистга берилган саволлар ҳар галги машғулотда ҳам ҳал этилмай қолаберган.

Янгийўл шаҳрида пропаганда ишини уддалай оладиган исте'додли, ҳар тарафлама билимли кишилар кўп. Корхона ва муассасаларнинг инженер-техник ходимлари, партия ва совет кадрлари ўртасида бундай кишилар айниқса кўп. Аммо, шаҳар партия комитети ана шу кучдан фойдаланмаётир. Пропаганда ходимларини тарбиялашга, уларнинг малакасини тинмай ошира боришга етарли даражада ёрдам берилмайди. Кейинги 3 ой ичида пропагандист ва агитаторларнинг бирор марта семинари ўтказилмаган.

ЎзК(б)П Марказий Комитетининг пропаганда-агитация бўлими Янгийўл шаҳри ва Калинин районида сиёсий, оммавий агитация ва пропаганда ишларини яхшилаш юзасидан тегишли чора ва тадбирлар белгилади.

ВКП(б) МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УзК(б)П МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ

Колхоз, совхоз ва МТС партия ташкилотларини мустаҳкамлаш— кўклам экин кампаниясини муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир

КОЛХОЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ТАЖРИБАЛАРИДАН

Коммунистлар етакчи

Даставвал колхоз ҳақида, унинг кучқудрати ҳақидаги рақамларни айтиб ўтайлик:

Вильямс номидаги колхоз ҳосили, ери, бойлиги жиҳатидан Қорасув районида иккинчи ўринда туради. У, республиканинг ўрта даражадаги колхозларидан бири. Колхоз 200 гектар ерга пахта экиб, ўтган йил 37 центнердан ҳосил берди. Уруш йиллари давомида колхоз а'золари ҳозиргидан 50 хўжалик кам бўлсалар ҳам, давлатга 7 минг центнер пахта, 2 минг центнер ғалла, 14 минг центнер сабзавот ва полиз ҳосили берди. Ўтган йилнинг ўзидаёқ пландан ташқари давлатга 200 центнер ғалла топширилди. Колхоз уруш даврининг зўр қийинчиликларига қарамай, пахта ҳосилини йил сайин оширди. 1944 йилда гектаридан 33 центнер, 1945 йилда 32 центнер ва ўтган йили 37 центнердан ҳосил етиштирилди. Бу йил эса, колхоз гектаридан 45 центнердан ҳосил олишга қарор берган.

Вильямс номли колхознинг экин майдонлари ҳам йил сайин кўпайди. Шу йилнинг ўзидаёқ колхоз 30 гектар партов ер очди. Колхозчилар ўтган бир йил ичида 3 миллион сўмга яқин даромад қилдилар.

Колхознинг бу ютуқлари биринчидан, колхоз а'золарининг йил бўйи қилган ҳалол меҳнати самараси бўлса, иккинчидан шу колхоздаги коммунистларнинг олиб борган зўр ташкилотчилик, ибрат кўрсата билганлигининг натижасидир.

★

А'зам Саломов тўрт йил Ватан уруши фронтларида жанг қилиб, кўп нарсаларни ўрганди ва яна ўз қадрдон колхозига қайтди. У, фронтга кетишда комсомол комитетининг секретари эди. Фронтдан, етук ходим бўлиб қайтди ва ҳозир партия ташкилотининг секретари бўлиб ишламоқда. 16 йилдан бери муттасил раис бўлган Мавлон ака блан бирга колхоз коммунистларини, активларни ўз атрофига тўплаб, колхоз хўжалигини мустаҳкамлашга киришди. Колхозчилар бу тиришқоқ ва тадбирли раҳбарни иссиқ қарши олдилар.

Уруш йилларида ҳам, кейинги тинч қурилиш йилларида ҳам колхознинг курашларда синалган пешқадам кишилари ўз тақдирларини коммунистлар партияси блан маҳкам боғладилар.

Коммунист ҳаммадан олдин ҳалол меҳнати блан ибрат кўрсатмоғи лозим. Яхши ишлаган кишининг сўзи та'сирли ва ўзи эса обрўли бўлади. Партия ташкилоти ҳарбир коммунистдан мана шу фазилатга эга бўлишни қаттиқ талаб қилди. Бригада бошлиғи Асқархўжаевнинг ер, от-улов ва ишчи кучлари қўшни бригаданинг ери ва ишчи кучларидан қолишмайди. Аммо, коммунист Асқархўжаевда ибрат бўла билиш ҳислати бор. У, қўшнига қараганда ўтган йил гектаридан 7 центнердан ортиқ ҳосил топширди. Асқархўжаев колхознинг бирқанча бригадаларини ҳам ўз орқасидан эргаштира олди.

Шундай қилиб, колхозда мўл ҳосил учун мусобақа байроғини коммунистлар баланд кўтардилар. Ёш коммунистлардан Раҳбар Тўрахўжаева бу йил ҳам 8,5 гектар ердан 80 центнердан, Ҳалима Муҳиддинова ва Рустамбек Тўлабоевалар 100 центнердан ҳосил бериш мажбуриятини ўз устларига олдилар.

Мажбурият олишгина етмайди, буни бажариш ҳам керак. Коммунистлар бошлиқ бригада ва звенолар бу йил колхозда биринчи бўлиб далага чиқдилар. Ерларга ағдарма тупроқ ташладилар, ариқ-зовурларни тайёрлаб қўйдилар. Шу кунларда бу бригадаларнинг кафтдек текис ерларига трактор сеялкаси блан 108—Ф нав'идаги чигит экилмоқда.

Колхоз коммунистлари 1947 йил ҳосилининг тақдири ҳал бўладиган шу кунларда далада бўлишлари керак. Шунинг учун 38 коммунистдан 30 таси ҳозир бевосита далада ишламоқда.

Ма'лумки, ВКП(б) Устави ишлабчиқаришдаги партия ташкилотларига ма'мурият иши устидан назорат қилиш ҳуқуқини берган. Колхоз правлениясининг иши устидан назорат қилмоқ эса, дастлаб унга жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва давлат олдидаги мажбуриятларини ҳалоллик блан бажаришда ёрдам бермоқ демакдир.

Ўтган қишда колхоз чорвачиликни ривожлантириш планини бажаролмади, моллар озиб қолди, давлат олдидаги гўшт, сут мажбуриятларини бажариш хавф остида қолди.

Чорва фермаларининг иши партия йиғилишида икки марта махсус муҳокама қилинди. Коммунистлардан Насриддинов чорва фермасига, Отамуродов эса йилқичилик фермасига мудир қилиб тайинланди. Яйловдаги чўпонларнинг турмушини яхшилаш чоралари кўрилди. Сал фурсат ўтмай колхозда бузоқ, қўзиларнинг сони кўпайди. Чорва фермаларнинг иши яхшиланди.

Коммунист Мўмин Ҳидиров бригадаси ер ҳайдашда орқада қолди. Бу эса, колхозда экишни 10 апрельда тамомлашни хавф остига қўйди. Партия йиғилиши коммунист Ҳидиров бригадасининг ишини муҳокама қилди. Коммунистлар шу йиғилишда Ҳидировнинг бўшанглигини, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаётганлигини қаттиқ танқид қилдилар. Йиғилиш аниқ муҳлатларни кўрсатиб бригадага топшириқ берди. Бригаданинг ишини кузатиб бориш вазифаси А'зам Саломовга топширилди. Орадан бир ой ҳам ўтмай Ҳидиров бригадасида аҳвол тамом ўзгарди.

Колхоз бу йил деҳқончилик ишларини машиналаштиришга, мумкин бўлган ҳарбир ишда машинадан фойдаланишга киришди. Колхоз йил бошида Орзиев культиваторларини, Оқсой плугларини ремонтдан чиқариб тахт қилиб қўйди. Ўтган йил 105 гектар ер трактор блан ишланган бўлса, бу йил 200 гектар ер трактор блан ишланадиган бўлди. Партия ташкилоти эрта баҳорда колхознинг ўзида етишиб чиққан механиклар, тракторчилар, ҳисобчиларни тўплаб, бу йил уларнинг устига оғир вазифа юкланганлигини пухта тушунтирди. Тракторчилар партия ташкилотига келиб, бу йил камида 600 гектардан ер ишлашга ва'да бердилар ва ўзаро шартнома туздилар.

Колхоз правленияси ҳам, партия ташкилоти ҳам ҳозир бутун э'тиборни тракторларнинг муттасил ишлашига, ерни чуқур ҳайдалишига қаратган. Шу бугун график бажарилмай қолса, масала партия ташкилотида муҳокама қилинади ва эртаги иш учун тегишли хулоса чиқарилади.

Вильямс номли колхознинг коммунистлари ВКП(б) Марказий Комитети февраль Пленумининг қарорларидан ўзлари учун тўғри хулосалар чиқара билдилар. Пленум қарори колхоз партия ташкилотида муҳокама қилинганда ҳарбир коммунист бундан ўзи учун қандай хулосалар чиқарганлигини айтди ва партия ташкилоти олдида турган вазифалар иш планда тўла кўрсатилди.

Коммунистлар бошлиқ бригада колхозда бошқалардан кўра мўл ҳосил етиштирмоғи ва албатта ўтган йилга қараганда кўпроқ ҳосил бермоғи керак. Бу эса, эришилган муваффақиятлар блан чекланиб қолмаслик, борган сари ердан кўпроқ ҳосил олиш демакдир. Колхоз 45 центнердан ҳосил бермоқчи, демак коммунистлар бошлиқ бригада ва звенолар кам деганда 50—60 центнердан ҳосил беришлари керак. Шундай деб қарор қилинди. Шу кунларда колхозда қизиб кетган иш, бригада ва звеноларнинг ўз устига олган мажбуриятини бажаролишдан гувоҳлик беради.

Вильямс номли колхоз партия ташкилоти, унинг секретари ўртоқ А'зам Саломов колхознинг ҳамма иши блан қизиқади. Ҳайдалаётган ернинг чуқурлиги масаласи ҳам, бетоб бўлиб қолган колхозчига дори-дармон етказиш масаласи ҳам, чаласаводларни ўқитиш ҳам партия ташкилотининг э'тиборидан четда қолмайди. Колхоздаги ҳарбир катта ва кичик ишда партия ташкилотининг ўз қиладиган иши ва тутган ўрни бор. Буни А'зам Саломов ҳам, колхоздаги барча коммунистлар ҳам яхши тушинадилар ва шунга амал қилмоқдалар.

✩

Далалар кўклам либосини кийди. Уфқлар блан туташган шу ямяшил далаларда ҳаёт тобора қизимоқда. Зўр ва шарафли кураш бошланди. Бу курашнинг байроғига «мўл ҳосил» деб ёзилган. Вильямс номли колхознинг коммунистлари эса, шу муқаддас курашнинг биринчи сафларида олға қараб бормоқдалар.

Я. ЙЎЛДОШЕВ.

Тошкент область, Қорасув районн.

КОЛХОЗЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

ВКП(б) Марказий Комитети пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарори Фарғона шаҳар корхоналаридаги бошланғич партия ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилинди. Шаҳар коммунистлари Марказий Комитет қарорини қизғин ма'қулладилар ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йўлида амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини белгиладилар.

Дзержинский номли тўқимачилик комбинатининг коммунистлари ўз мажлисларида Фарғона район Қорасув қишлоқ советидаги «Фарғонаи сурх» колхозини оталикка олиб, унга амалий ёрдам кўрсатишга қарор қилдилар. Колхозга ўртоқ Ашурматов бошлиқ 7 кишидан иборат агитбригада юборилди, 100 тонна уруғлик чигит, 25 тонна ма'дан ўғит ташиб берилди. Комбинат колхоз устахонаси учун кўмир ва темир-терсаклар берди.

К. ЮСУПОВ.

ҚАРОР АСОСИДА

Хатирчи районидаги Орджоникидзе номли колхоз коммунистларининг умумий мажлисида ВКП(б) Марказий Комитети пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари ҳақида»ги қарори муҳокама қилинди. Колхоз правления раиси коммунист ўртоқ Т. Файзиев пленум қарори муносабати блан колхоз коммунистлари олдида турган асосий вазифаларни муфассал айтиб берди.

Ҳозирги кунларда кўклам дала ишларини қизитишда коммунистлар намуна бўлмоқдалар. Ўртоқ Муқим Исломов ўз бригадасидаги 27 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 50 центнер ҳосил етиштириш учун большевикча кураш олиб бораётир.

Партия мажлисида чиқиб сўзлаган ўртоқ Қаҳҳоров колхозда чорва молларини кўпайтиришга етарли э'тибор берилмаётганлигини айтиб чорвачиликни ҳам ВКП(б) Марказий Комитети пленумининг қарори асосида ривожлантириш зарур эканлигини уқдириб ўтди. Партия йиғилиши ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг қарори асосида колхоз хўжалигини ҳартарафлама ривожлантириш, айниқса пахтадан юқори ҳосил етиштириш тадбирларини белгилади.

Л. ЭРГАШЕВ.

ПЛЕНУМ ҚАРОРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНГАНИДАН КЕЙИН

ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг қарори Сурхондар'ё область, «Қумқўрғон» совхози коммунистлари йиғилишида чуқур муҳокама қилинди ва шу қарор асосида кўклам кампанияси даврига иш план тузилди. Партия ташкилоти 22 коммунистни совхознинг барча бўлимларига ва трактор бригадаларига беркитди. Улар ҳозир ишчилар ва тракторчилар ўртасида пленум қарорларини пропаганда қилмоқдалар. Совхоз коммунистлари кўклам дала ишларини қизитмоқдалар.

Совхоз партия ташкилоти кўклам дала ишларида орқада қолган 3-нчи бўлим ҳақида масала муҳокама қилди. Ҳозир бу бўлимда чигит экиш ўз вақтида тамом қилинди.

Р. ГАДОЙМУРОДОВ.

«Қумқўрғон» совхози партия ташкилотининг секретари.

Биз пленум қарорларидан қандай хулосалар чиқардик

ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари ҳақида» деб чиқарган тарихий қарори колхозимизда зўр шодлик ва баланд руҳ блан қарши олинди. Коммунистлар йиғилишда сўзга чиқиб колхоз ишидаги хато ва камчиликларни қаттиқ танқид қилдилар. 1946 йилда колхознинг ишлабчиқариш плани 48 процент бажарилганлиги сабабларини очиб ташладилар.

Колхозда меҳнат ёмон уюштирилган, а'золарнинг учдан бири далага чиқмай, ўз томорқалари блан овора. Меҳнат нормаси пасайтирилган ва меҳнатни ҳисобга олиш йўлга қўйилмаган. Шунинг натижасида ҳосил ҳам жуда пасайиб кетган. Колхозда бригада, звено бошлиқлари бот-бот ўзгартириб турилган. Ер ва асбоб бригада, звеноларга беркитиб берилмаган.

Пленум қарорида «Меҳнат кунлари ёзишда ва даромадларни тақсимлашда бригада ва звеноларнинг иш натижалари ҳисобга олинмаслан текисчилик ҳукм сурмоқда. Бунинг натижасида ҳалол ва яхши ишлаётган колхозчилар колхозлардаги юлғич ҳам виждонсиз унсурларга қараганда ноқулай аҳволга тушиб қолдилар» деб кўрсатилган. Бу аҳвол айнан бизнинг колхозимизда ҳам ҳукм сурар эди.

Февраль пленуми, қишлоқ хўжалик артелини ташкилий хўжалик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш ва колхозларнинг жамоат мулкини кўпайтириш — партиянинг колхоз қурилишидаги асосий вазифаси, деб алоҳида уқдириб ўтди. Бу жуда тўғри гап. Лекин колхознинг собиқ раҳбарлари Сотим Рашидов, Эргаш Эшимовлар колхозни талаганлар.

Биз, колхоз коммунистлари ва партиясиз активлар блан маслаҳатлашиб, пленум қароридан ўз ишимиз учун амалий хулосалар чиқардик. Большевистик кўклам экин кампаниясини яхши ўтказиш учун колхоз олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажаришга колхозчиларни сафарбар қилиш ва оммавий-сиёсий ишларни жонлантириб юбориш мақсадида ҳарбир бригада ва звенога коммунистлар боғланди. 36 коммунистнинг ҳаммаси мана шундай қилиб энг муҳим участкаларга беркитилди.

Ҳозир бригадаларда дала шийпонлари қурила бошланди. Уларни жиҳозлаш учун керакли портрет, плакат, шиорлар тайёрланди. Бригада ҳам звеноларнинг бу йил қанча ҳосил берса, қанча даромад олиши тўғрисида диаграммалар ҳам тузилаётир. Агитаторлар эса газета, журнал, адабиётлар ва «Агитаторлар блокноти» блан та'минланди. Колхознинг «Колхозчилар овози» деворий газетаси мунтазам чиқиб туради. Бригадаларда эса, «Жанговар варақа»лар чиқарилаётир. Партия ташкилоти ва колхоз правленияси илғор бригада ва звенога топшириш учун 2 та махсус кўчма қизил байроқ та'сис этди.

Бригадалар ўртасида социалистик мусобақа шартномалари тузилди. Коммунист Сайдалиев бошлиқ бригада ҳар гектаридан 30 тоннадан картошка, 50 тоннадан карам, 60 тоннадан лавлаги, 40 тоннадан сабзи, 60 тоннадан помидор, 30 тоннадан пиёз, 50 тоннадан узум ва 25 тоннадан қуриқ мева бериш мажбуриятини олди. Ҳозир бу бригаданинг ери ҳайдовдан чиқарилди. Бир қисмига пиёз экилди, карам, помидор, қалампир ва бошқа кўчатларни ўтқазишга тайёрланаётир.

Колхозчилар учун далада иссиқ овқат пиширилмоқда. Болали хотинлар учун боғча ва ясла очилди ва бошқа керакли шароитлар ҳозирланмоқда.

Шундай қилиб илғор Ворошилов номли колхоз блан мусобақалашиб, бу йил ҳар гектаридан 20 тоннадан картошка, 35 тоннадан карам, 30 тоннадан помидор, 25 тоннадан узум ва 20 тоннадан қуриқ мева олиш шартини қўйдик. Бу эса шаҳар меҳнаткашларини сабзавот ва мева блан янада кўпроқ та'минлашга имконият туғдиради.

Тўражон ТОЛИПОВ.

Калинин районидаги «Шарқ ҳақиқати» колхози партия ташкилотининг секретари.

Илғор МТСнинг коммунистлари

Сурхондар'ё область Узун район МТСи ўтган йили трактор ишлари планини муваффақиятли бажариб, республикада донг чиқарди. Шунинг натижасида район пахта тайёрлаш планини ошириб бажарди. Районда ҳар гектаридан 17 центнердан пахта етиштирилди.

МТС коллективи ўтган йилги ютуқларни мустаҳкамлаш учун бу йил ҳам зўр ғайрат блан ишламоқда. Тракторлар ўтган йилга қараганда бир ой илгари сифатли ремонтдан чиқарилди.

Узун қишлоқ советидаги «Қизил ғунча» колхозида ишлаётган коммунист ўртоқ А. Ҳемич бошлиқ трактор бригадаси 200 ўрнига 285 гектар, Телпакчинор қишлоқ советидаги «1—Май» колхозида хизмат қилаётган Носиров бошлиқ трактор бригадаси 188 ўрнига 222 гектар, «Қизилой» колхозидаги Кабинников трактор бригадаси 140 ўрнига 256 гектар ер ҳайдади. Коммунистлардан Саттор Раҳматов, Абдуллаев, Тошхўжаев каби тракторчилар ҳар куни 7—8 гектар ҳайдаб, кунлик ҳайдаш нормасини 200 процентга етказиб бажармоқда.

— ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг қарори МТС партия ташкилоти мажлисида ва тракторчи, бригада механиклари ўртасида муҳокама қилингандан кейин трактор ишлари ниҳоят қизитиб юборилди. Ўртоқ Комилов бошлиқ трактор бригадаси 3 СХТЗ трактори блан Телпакчинор қишлоқ советидаги колхозларда ишлаётир.

Носиров, Стрелихчев бошлиқ трактор бригадаларида ҳам кунлик ер ҳайдаш плани 180—190 процентга етказилиб бажарилаётир. Бу йил МТС 36 минг гектар трактор ишларини бажариши керак. МТС коллективи ленинградлилар чақириғига қўшилиб, кундалик графикни 150 процентдан бажаришга ва'да қилган эди. Ҳозир бу мажбурият шараф блан бажарилаётир.

ЭЛМУРОДОВ.

Колхоз бошланғич партия ташкилотларининг муҳим вазифалари

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети XVI пленуми ВКП(б) Марказий Комитети пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида» деб чиқарган қарорини бажариш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари ҳақида қарор қабул қилди.

XVI пленум республика партия, совет ташкилотлари олдига катта вазифаларни қўйди. Бу йил Ўзбекистонда пахта майдонини 100 минг гектарга ошириб — 915 минг гектарга етказиш ва гектаридан 17 центнердан ҳосил олиш, 260,7 минг гектар партов ерни ишга солиш, 1 миллион 200 минг тонна ғалла ҳосили олиш, қанд лавлаги ҳосилини ҳар гектаридан 220 центнерга етказиш, қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларида механизацияни тобора кучайтириб, трактор ишларининг умумий ҳажмини камида 8 миллион гектарга етказиш вазифасини қўйди. Мана бу рақамлар, ҳақиқатан ҳам бу йил республикамиз қишлоқ-хўжалиги олдига қандай улуғ вазифалар қўйилганини кўрсатиб турипти.

ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленумининг «Урушдан кейинги даврда қишлоқ хўжалигини юксалтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва УзК(б)П Марказий Комитети XVI пленумининг шу ҳақдаги қарори колхоз партия ташкилотлари зиммасига катта мас'улият юкламайди. Колхозларни Сталинча уставга тўла амал қилиб ташкилий ва хўжалик томондан мустаҳкамлаш ҳамма экинлардан мўл ҳосил олиш, жамоат мулкини тобора кўпайтириш, колхоз бошланғич партия ташкилотларининг ҳозирги кундаги асосий вазифасидир.

Қишлоқ хўжалигига партия раҳбарлигини ва та'сирини кучайтириш учун — колхоз бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг жанговарлик қобилиятини, ташкилотчилик ишини, мавқу'ини тобора ошириш керак.

Ҳозирги вақтда республикамиздаги 6757 колхоздан 4000 дан ошиғроқ колхозда бошланғич партия ташкилотлари, кандидат группалари ва партия-комсомол группаларига эгамиз. Бу ташкилотлар ҳисобида 42.000 га яқин партия а'зо ва кандидатлари бор. Уруш йиллари давомида колхозлардаги партия ташкилотларининг сони етти марта кўпайди. Қишлоқдаги партия ташкилотлари кейинги йилларда сиёсий ва ташкилий жиҳатдан катта куч бўлиб ўсди.

Шунга қарамасдан, колхоз бошланғич партия ташкилотлари ишида жиддий камчиликлар ҳукм сурмоқда.

Биринчидан, анчагина колхозларимизда бошланғич партия ташкилотлари йўқ. Чунончи, Сурхондар'ё областида 256, Хоразмда 165, Андижон областида 190 колхозда бошланғич партия ташкилоти йўқ.

Иккинчидан, анчагина колхоз бошланғич партия ташкилотларида, коммунистлар сон жиҳатидан оз. Масалан, республика колхоз партия ташкилотлари ҳисобида 5 тагача коммунист борлари —18,4 процент, 6 дан 10 гача коммунист борлари — 43,9 процентни ташкил қилади. Самарқанд областида 609 колхоз бошланғич партия ташкилотидан 329 таси, Фарғона областида 537 дан — 284 таси шундай оз сонли коммунистларга эга бўлган партия ташкилотларидир.

Булардан ташқари бизда ташкилий жиҳатдан нотўғри тузилган колхоз бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Масалан, Жалақудуқ районидаги «Пахта фронти» колхоз бошланғич партия ташкилотини олиш мумкин. Бу колхоз партия ташкилотининг ҳисобида 7 коммунист туради. Улардан 2 киши «Бирлашган», 2 киши Ворошилов номли колхозда, 2 киши қишлоқ советида ишлайди, фақат бир коммунист «Пахта фронти» колхозининг ўзида ишлайди. Албатта бундай партия ташкилоти колхоз хўжалиги устидан чинакам раҳбарликни та'мин қилолмайди. Бундай мисолни бошқа областьлардан ҳам кўрсатиш мумкин.

Бундай аҳвол бўлишига сабаб шуки, ба'зи район ва область партия комитетлари колхоз бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлашга, уларнинг иш мундарижасини яхшилашга етарлик аҳамият бермай келмоқдалар. Иккинчидан партия ташкилотлари илғор колхозчилар ҳисобидан жуда кам ўсмоқда. Мисол учун, 1946 йилда партия сафига қабул қилинганлар ўртасида колхозчилар 39 процент, хизматчилар эса 46 процент, 1947 йилнинг 2 ойи ичида эса, колхозчилар 37,8 процент, хизматчилар 46,3 процентни ташкил этади.

Айрим район партия комитетлари колхоз бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш, уларнинг ишларини тубдан яхшилаш масалалари блан етарлик даражада шуғулланмайдилар. Район партия комитетларининг ходимлари колхозларга чиққанда партия ташкилотининг ишларини чуқур текширмайдилар ва уларга амалий ёрдам бермайдилар. Тошкент области Оҳангарон район партия комитети 9 ой ичида битта ҳам колхоз бошланғич партия ташкилотининг ҳисобини эшитмаган.

Самарқанд область Қорадар'ё районидаги «Қизил аскар», «Октябрь» ва Охунбобоев номли колхоздаги бошланғич партия ташкилотлари партия мажлисларини ўз вақтида чақирмайдилар. Кўриладиган масалалар тўғри танланмайди ва олдиндан яхшилаб тайёрланмайди. Партия мажлисларида коммунистлар актив қатнашмайдилар. Кўп коммунистларга партия топшириғи берилмаган. Коммунистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш ишлари суст қўйилган.

Колхоз бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш соҳасидаги ташкилий ишларда бўлган бу камчиликлар уларнинг амалий ишларига катта та'сир қилмоқда. Шунинг учун ҳам кўпгина колхоз бошланғич партия ташкилотлари колхозларни ташкилий-хўжалик томондан мустаҳкамлаш учун курашга етакчилик қилолмаётирлар, коммунистларнинг авангардлигини та'минлай олмаётирлар.

Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг XVI пленуми ўз қарорида шундай деди:

«Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитетининг пленуми колхоз активларини ва барча колхозчиларни давлат интизомига қаттиқ риоя қилиш, колхоз ишига онгли суратда қараш, қишлоқ хўжалик артели уставини оғишмай амалга ошириш асосида колхозларнинг жамоат хўжалигини мустаҳкамлаш ва колхоз мулкини ўғирланиш ва талон-тарож бўлишдан сақлаш руҳида тарбиялаш — колхозларда ташкилий, партиявий ва оммавий-сиёсий ишлар соҳасида кўриладиган чораларнинг асосий мазмуни бўлиши керак деб ҳисоблайди».

Ҳарбир колхоз бошланғич партия ташкилоти мана шунга амал қилиб, кўклам экиш даврида муайян иш планга эга бўлмоғи ва уни сўзсиз амалга ошириш учун барча коммунистларни сафарбар қилмоғи керак.

Бу эса, дастлаб, колхоз бошланғич партия ташкилотлари секретарьларининг кучли ташкилотчилик қобилиятига эга бўлишини, колхоз ҳаётини тўла билишини талаб қилади. Партия ташкилотлари секретарьларининг сиёсий малакасини ошириш энг муҳим вазифадир. Уларни яна партия ташкилотларининг ташкилий ишлари, партия хўжалигини бошқариш тартиблари блан ҳам системали равишда таништириб бориш лозим.

Кўпгина колхоз бошланғич партия ташкилотлари, ВКП(б) Марказий Комитетининг февраль пленуми қарорларини чуқур муҳокама қилиб, ўз колхозлари шароитига мослаб тегишли чора ва вазифаларни белгиладилар. Энди вазифа мана шу қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш, бу қарорларнинг сўзсиз бажарилишини та'минлашдир.

Пленум ўз қарорида партия ташкилотларидан, колхозларда меҳнат интизомини йўлга қўйишни, меҳнатни тўғри ташкил қилишни қат'ий талаб қилади. Колхоз бошланғич партия ташкилоти ҳарбир коммунист ва комсомолдан колхозда авангард бўлишни, юксак нормаларнинг ташаббусчиси бўлишни партиясиз колхозчиларни ҳам ўз орқасидан эргаштиришни талаб қилмоғи лозим. Айрим коммунистлар ўз оилаларини колхозда «уй иши» блан банд қилиб қўядилар. Партия ташкилоти хотин-қизлар кучини менсимаслик каби бундай партияга қарши ҳаракатга большевикча зарба бериши, бу йил кўклам экин вазифаларининг айниқса мас'улиятли эканини ҳисобга олиб, ишга яроқли барча кишиларнинг ҳеч сўзсиз ишлашига ва нормани ошириб бажаришга эришмоғи лозим.

Колхозчиларнинг меҳнатини тўғри ҳисобга олиш—пленум қарорларида та'кидланган энг муҳим масалалардан биридир. Колхоз партия ташкилоти бригада, звеноларда меҳнатнинг қандай ҳисобга олинаётганлигини текшириб туриши лозим. Табельчи, ҳисобчи ва меҳнатни тақсимлаш ва ташкил этишда иштирок этувчи ходимлар блан суҳбатлар ва кенгашлар ўтказиб туриш, уларга пленумнинг қарорларини чуқур тушунтириб бериш керак.

Колхозда социалистик мусобақани тобора қизитиш ва бу мусобақада коммунистларнинг илғорлиги ва ташаббускорлигини та'минлаш—энг муҳим вазифадир. Республика пахтакорларининг ўртоқ Сталинга ёзган хати, ВКП(б) Марказий Комитети февраль пленуми ва Ўзбекистон К(б)П Марказий Комитети XVI пленуми қарорлари, Октябрь революциясининг 30 йиллиги арафасида олинган мажбуриятлар ҳарбир колхозчига етказилсин.

Кейинги йилларда колхоз партия ташкилотлари сафига минглаб ёш коммунистлар қўшилди. Мана шу ёш коммунистларнинг партия ташкилотлари ишларига актив жалб қилиниши, бу ёш коммунистлар ўртасидан етишган қобилиятли ташкилотчиларни дадиллик блан пастдан юқорига кўтариш, қолоқ бригада, звеноларни мана шу кучлар ҳисобидан мустаҳкамлаш зарур. Бу эса, колхоз партия ташкилотларидан колхоз кадрлари масаласи блан жиддий шуғулланишни, кадрларни ўз жойига қўя билиш ва уларни тарбиялашни талаб этади.

Колхоз бошланғич партия ташкилотларининг бу вазифаларни муваффақият блан бажариши район ва область партия комитетларидан бошланғич партия ташкилотларига раҳбарликни ҳартомонлама кучайтиришга боғлиқ эканини унитмаслик керак.

ВКП(б) Марказий Комитетининг февраль пленуми ва УзК(б)П Марказий Комитетининг XVI пленуми колхоз бошланғич партия ташкилотларига, қишлоқ хўжалигини, биринчи навбатда пахтачиликни янада ривожлантиришнинг жанговар программасини чизиб берди. Колхоз бошланғич партия ташкилотлари ўз ишларини мана шу янги ва мас'улиятли вазифалар даражасига кўтаришлари керак.

Т. ЖЎРАЕВ.

УзК(б)П Марказий Комитети ташкилот-инструкторлик бўлими мудирининг ўринбосари.

ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ КЕНГАШИДА

25 мартдаги мажлис

В. М. Молотов раислик қилди

Мажлис Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш тартибига доир масалаларни муҳокама қилишдан бошланди. Министрларнинг Ўринбосарлари бу масала юзасидан ёзма лойиҳа топширдилар. Бу лойиҳада ўзаро келишиб бир фикрга келинган таклифлар ва бир фикрга келинмаган таклифлар алоҳида кўрсатилган.

Шундан кейин, Министрлар Ўринбосарлар томонидан таклиф этилган лойиҳанинг айрим моддаларини қараб чиқишга киришдилар.

ГЕРМАНИЯ БЛАН ТУЗИЛАДИГАН ШАРТНОМАНИ ТАЙЁРЛАШДА АЛБАНИЯНИ ҚАТНАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Министрларнинг Ўринбосарлари Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда Албанияни қатнаштириш масаласи юзасидан бир қарорга кела олмадилар. Совет ва Франция Министрларининг Ўринбосарлари Албания сулҳ шартномасини тайёрлашда маслаҳатлашиладиган иттифоқчи давлатлар рўйхатига киргизилиши лозим ва шу сабабдан, Албания Ахборот-консультация кенгашида ва сулҳ конференциясида иштирок қилмоғи керак деб ҳисобладилар. Америка ва Британия Министрларининг Ўринбосарлари бунга қарши э'тироз билдирдилар.

Д. Маршалл айтдики, Албания Германия блан уруш ҳолатида эмас эди ва Германияга қарши уруш э'лон қилмаган эди. Маршалл Албания қўшинлари Грецияга қарши олиб борилган уруш ҳаракатларида қатнашган эдилар, деб эслатиб ўтди. Аммо, Маршалл Албания халқ демократияси Германияга ва Италияга қарши урушда ўзининг партизан кучлари блан қатнашганлиги ҳақида гапирмади. Сўнгра Маршалл айтдики, «ҳозирги вақтда Албанияда бўлган ҳукумат мазкур мамлакатнинг халқаро миқ'ёсдаги мажбуриятларини танишдан воз кечди». Маршалл, Албания Париж Сулҳ конференциясида иттифоқчи давлат ёки Бирлашган давлат сифатида қатнашмаган эди, деди.

Маршалл сўзини тамомлаб қуйидагиларни айтди:

— Албания Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда имтиёзли аҳволда бўлишини да'во қилишга ҳақли эмас. Америка Қўшма Штатларининг делегацияси Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда Албанияни қатнаштириш учун етарли асос йўқ деб ўйлайди.

В. М. Молотов Совет Ҳукўматининг Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда Албанияни қатнаштириш ҳақидаги таклифини қандай асосларга мувофиқ ўртага қўйганлигини айтди. В. М. Молотов, ҳозир гап совет делегациясининг таклифи тўғрисидагина эмас, балки икки делегациянинг таклифи тўғрисида бораётир, чунки француз делегацияси ҳам бу таклифни қувватламоқда деди.

Совет делегацияси, — деди В. М. Молотов,—қуйидаги ҳолларга э'тиборингизни жалб этади:

Биринчидан, ҳозирги вақтда иш кўраётган демократик Албания Германияга қарши урушда ўз қуролли кучлари блан қатнашди. Ҳозирги вақтда Албанияга раҳбарлик қилаётган кишилар Германия ва Италия босқинчиларига қарши олиб борилган партизан урушига раҳбарлик қилганларидан кейин, Албания халқи томонидан сайланган эдилар. Маршалл жанобларининг Албания Германия томонида туриб урушган эди, деб айтган гаплари ҳозирги Албанияга эмас, балки фашистлар Италияси томонидан Албанияда ўрнатилган эски усул идорага таалуқлидир. Бу гапларнинг ҳозирги Албанияга дахли йўқ. Албания халқаро миқ'ёсдаги мажбуриятларини танимайди деган гапларга келганда шуни айтиш керакки, бу тўғрида ҳеч қандай факт келтирилмади. Агар илгариги мажбуриятлар тўғрисида Албания ҳукумати блан бошқа бирор ҳукумат ўртасида ихтилофлар бўлса, манфаатдор ҳукуматлар бу ихтилофларни ҳамма томондан қабул қилинган тартибда ҳал этишлари мумкин. Ҳар ҳолда, Албаниянинг Германияга қарши урушда ўз қуролли кучлари блан бизларга, иттифоқчи давлатларга ёрдам берганлигини инкор этиш ярамайди.

Иккинчидан, иттифоқчилар Албанияни Германиядан репарация олишга ҳаққи бўлган бир мамлакат деб танидилар. Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари Берлин конференциясидан кейин, ғарбий доиралардан Германия ҳисобидан репарациялар оладиган мамлакатлар учун Иттифоқчилараро репарация агентлигини тузган вақтларида, шундай қарорга келган эдилар. Бу блан Албаниянинг Германияга қарши урушда иттифоқчилар томонида туриб қатнашганлиги э'тироф этилганлиги ма'лум.

Учинчидан, Италия блан тузилган сулҳ шартномасини бошқа давлатлар блан бир қаторда Совет Иттифоқи, Қўшма Штатлар, Франция ва Буюк Британия ҳам имзолади. Бу шартномага мувофиқ, Албания Италиядан репарация ҳақи олади. Шу шартномага биноан, Албания шартномага қўшилганидан кейин мазкур шартномага нисбатан Бирлашган давлатлардан бири деб ҳисобланади. Бу ҳол, иттифоқчи давлатлар Германиянинг асосий иттифоқчиси бўлган фашистлар Италиясига қарши урушда Албаниянинг хизматларини тақдирлаганликларини кўрсатади.

Молотов сўзини тамомлаб бундай деди: совет делегацияси шу далилларга асосан, Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш ва муҳокама қилишда Албаниянинг иштирок қилишга шубҳасиз ҳаққи бор деб ҳисоблайди. Шу сабабдан, совет делегацияси шундай таклифни қабул қилишни сўрайди.

Э. Бевин совет ва француз делегацияларининг таклифларига қарши чиқди. Бевин Буюк Британия блан Албания ўртасида дипломатия муносабатлари йўқлигини айтди. Бевин, Нью-Йоркдаги музокаралар вақтида Албания масаласи юзасидан чиққан ихтилофларни камайтириш учун қўлимдан келган ҳамма чораларни кўрган эдим, деди. Аммо, Буюк Британия блан Албания ўртасидаги муносабатлар яхшиланмаганлиги учун ҳозирги вақтда бундан нарига ўтолмаслигини айтди. Шу блан бирга, Бевин Британия миссиясининг Албанияда ёмон аҳволга солинганлиги тўғрисида шикоят қилди.

— Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия делегацияларининг Нью-Йоркда тутган йўли муносабати блан,— деди Бевин,—Албаниянинг бизларга нисбатан муносабатини ўзгартиришини кутиш мумкин деб ўйлаган эдим. Аммо, Албаниянинг Бирлашган Қироллигига нисбатан муносабати ёмонлашди ва Албанияга нисбатан қилган саҳийлигимиз хато бир ишдек бўлиб кўринди. Буюк Британия ҳозирги пайтда Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда Албанияни биргаликда урушган томон деб қатнаштиришдан муддао нима эканлигини тушинмайди.

Ж. Бидо француз делегацияси Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда қатнаштириладиган мамлакатлар рўйхатига Албанияни ҳам киргизишга рози бўлганлигини айтди. Бидо, француз делегацияси Албаниянинг репарация ҳақи олишини ва Иттифоқчилараро репарация агентлигининг а'зоси эканлигини назарда тутган эди, деб та'кидлади. Француз делегацияси Албания масаласида ҳозир ҳам тутган йўлини қувватлайди.

Д. Маршалл айтдики, Албаниянинг сулҳ шартномаси асосида Италиядан репарация ҳақини олиши ва унинг Иттифоқчилараро репарация агентлигида қатнашуви уни Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда қатнаштириш учун етарли асос бўлаолмайди.

Сўнгра, Маршалл Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда иттифоқчи давлатларни қатнашишга таклиф этиш тўғрисида Америка Қўшма Штатлари қандай фикрда эканлигини айтди. Биз, француз делегациясининг иттифоқчи давлатларнинг шартномани тайёрлаш соҳасидаги ишлардан хабардор бўлиб туришига имкон бериш ва бу масала тўғрисида уларнинг ўз фикрларини айтишларига ва тегишли таклифлар киргизишларига имкон бериш учун Ахборот-консультация кенгаши тузиш тўғрисидаги таклифини табриклаймиз, — деди Маршалл, — Ахборот-консультация кенгашида масалалар овозга қўйилмаслиги керак. Ахборот-консультация кенгаши Министрлар Кенгашининг Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлаш соҳасидаги ишларидан иттифоқчи давлатларни хабардор қилиб турадиган ва иккинчи томондан, иттифоқчи давлатларнинг фикрларини Министрлар Кенгашига ма'лум қиладиган аппаратдир. Агар ба'зи давлатлар улуғ иттифоқчи давлатларнинг директивларига мувофиқ Германияга уруш э'лон қилмай, унга қарши қуролли кучларни қўймай, Германияга қарши курашда бошқа усуллар блан ўз ҳиссаларини қўшган эканлар, улар Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда қатнашиш ҳуқуқидан маҳрум этилмаслиги керак.

Илгари сўзга чиққан Э. Бевин каби Д. Маршалл ҳам Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда Эронни қатнаштириш масаласи ҳақида гапирди.

В. М. Молотов бундай деди: Албания Германияга уруш э'лон қилмаган эди деган важ блан уни сулҳ шартномасини тайёрлашда қатнаштиришга қарши бўлган э'тирозлар Данияга ҳам тааллуқлидир. Аммо, Данияга нисбатан истисно қилинди; Албанияга нисбатан ҳам шундай истисно қилишимиз керак. Албания гитлерчилар Германиясига қарши урушда иттифоқчилар томонидан туриб ўз қуролли кучлари блан қатнашганлиги учун ҳам шундай қилиш керак.

В. М. Молотов сўзини давом эттириб қуйидагиларни айтди:

— Италия блан тузиладиган сулҳ шартномаси муҳокама қилинган Париж Сулҳ конференциясида Албания иттифоқчи давлат сифатида қатнашмаган эди, дейилди. Аммо, Италия блан тузиладиган сулҳ шартномасини муҳокама қилиш вақтида ҳаммамиз, Албания Италиядан репарация олишга ҳақлидир, деган хулосага келдик ва унга шундай репарациялар олиш имконини бердик. Италия блан тузилган сулҳ шартномасига мувофиқ, Албания бу шартномага қўшилганидан кейин мазкур шартномага нисбатан бирлашган давлатларнинг бири деб ҳисобланади, дейилган эди. Бу қарорларда Албаниянинг гитлерчилар Германиясига қарши урушдаги хизматлари тақдирланди. Албаниянинг бу хизматлари Париж конференциясидан илгариёқ тақдирланган эди.

В. М. Молотов совет делегацияси Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда Эронни қатнаштириш масаласини Ўринбосарлар кенгашига қўйилганлигини эслатиб ўтди В. М. Молотов айтдики, Совет Иттифоқи ва Буюк Британия 1942 йилдаёқ Эрон олдида муайян мажбуриятлар олган эдилар. Ўша вақтда Совет Иттифоқи ва Буюк Британия сулҳ музокараларида Эроннинг ўз манфаатларига бевосита тааллуқли масалалар юзасидан бошқа иттифоқчи мамлакатлар блан бир қаторда қатнаштирилишини қувватлаймиз деган эдилар. Совет Ҳукумати Министрлар Кенгашидан бу фикрни қувватлашни сўрайди.

Ж. Бидо Германия блан тузиладиган шартномани тайёрлашда қатнашадиган органларни ҳаддан ташқари кўпайтиришга қарши чиқди. У, Ахборот-консультация кенгашининг состави тўғрисидаги масалани Министрлар Ўринбосарларининг муҳокамасига топширишни таклиф этди.

Э. Бевин ва Д. Маршалл Эрон Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлашда қатнаштирилиши керак, деган фикрга қўшилдилар.

Министрлар Ахборот-консультация кенгашининг состави тўғрисидаги масалани ўз Ўринбосарлари муҳокамасига топширишга қарор қилдилар.

Министрлар Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш тартибининг бошқа моддаларини муҳокама қилишга киришдилар.

Д. Маршалл Сулҳ конференциясини чақириш тўғрисида гапириб айтдики, Германия блан тузиладиган шартноманинг тексти конференцияда овозларнинг учдан икки қисми миқдоридаги кўпчилик блан қабул қилинган тавсияномалар асосида тузилиши керак. Шу блан бирга, оддий кўпчилик блан қабул қилинган тавсияномалар ҳам ҳисобга олиниши лозим. Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг Германия блан тузиладиган шартноманинг дастлабки нусҳасини тайёрлаган тўрт а'зоси Сулҳ конференцияси тамом бўлганидан кейин шартноманинг узил-кесил текстини тузиб чиқиши лозим. Бу қат'ий текст Германия блан уруш ҳолатида бўлган давлатларнинг имзо чекиши учун топширилиши керак. Сўнгра, Д. Маршалл сулҳ шартномасининг Германия зиммасига юклайдиган мажбуриятларига тўхталиб ўтди ва бу масалани Германиянинг келгусидаги конституцияси блан боғлади. Аммо, — деди Маршалл, — иттифоқчилар Германиянинг сўзсиз таслим бўлишини талаб этганликларини назарда тутиб, айрим сиёсий арбоблар сулҳ шартномасини тасдиқлаш ма'носида ҳал этиш ёки овозга қўйишда имзо чекиш мажбуриятини ўз зиммаларига олишга мажбур қилинмаслиги лозим. Немислар Германиянинг янги конституциясини қабул қилганларидан кейин, шартномани бажариш мажбуриятларини ўз устларига оладилар.

Ж. Бидо айтдики, Америка делегациясининг таклифларини пухта ўрганиб чиқиш керак, бу таклифлар кўтарилган масала юзасидан бундан кейин мунозара олиб бориш учун асос бўлиши мумкин. Аммо Бидо, француз делегацияси ҳозирги вақтда Германиянинг мас'ул вакилларини ўз фикрларини баён қилиш учун чақириш тўғрисидаги фикрни айтаолмайди, деб писанда қилди. Менинг фикримча, бу ерда жуда мураккаб масала ўртага қўйилди: қандай вакилларни чақириш керак деди Бидо. Бу масала бундан кейин муҳокама қилиниши керак, албатта.

Э. Бевин Маршалл томонидан киргизилган таклифлар Британия делегациясида «жуда катта шубҳалар» туғдиради деди. Бевин айтдики, Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини ким имзолаши кераклиги тўғрисидаги масалани провардида ҳуқуқшунослар ҳал этиши лозим. Бевин Версаль сулҳ шартномасини тайёрлашдаги тартиб блан ҳозирги вақтда белгиланаётган тартиб ўртасида фарқ борлигини айтди. Ҳозирги вақтда, — деди у, — биз бутун дун'ё жамоатчилиги блан маслаҳатлашмоқдамиз; иккинчи томондан, тайёрланаётган шартнома иттифоқчиларнинг назорати остида демократик тараққиёт жараёнида тузиладиган Германия давлати томонидан қабул қилинади.

Бевин бундай деди:

— Совет делегациясининг Германияда шартномани қабул қилишга муносиб, деб топилган марказий ҳукумат тузилган вақтда сулҳ шартномаси имзоланади деган таклифи қийинчилик туғдиради. Бу таклиф сулҳ шартномасини тузишни узоқ вақтга кечиктириши мумкинки, бу хатолик бўлур эди. Сулҳ шартномаси имзоланадиган вақтгача Германия ҳукумати тузиладиган бўлса, бу ҳукуматга шартномани имзолашдан аввал ўз фикрларини изҳор қилиш имконияти берилиши лозим. Аммо, Германияда марказий ҳукумат тузилишигача Сулҳ конференциясида иттифоқчилар блан маслаҳатлашишни кечиктириш керак эмас.

В. М. Молотов музокараларда сўзланган нутқлар ҳақидаги дастлабки мулоҳазаларини айтди.

В. М. Молотов бундай деди:

— Америка ҳукуматининг Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш тартиби ва бу шартномани қабул қилиш тартиби тўғрисидаги фикрлари шу мажлисгача бизга ма'лум эмас эди. Биз ҳозиргина Маршалл жанобларининг бу масала ҳақидаги баёнотини эшитдик. Совет делегацияси яқин кунлар ичида Америка делегациясининг таклифларини ўрганиб чиқади ва бу таклифлар тўғрисида ўз фикрини баён қилади.

Совет делегацияси Бидо жанобларининг Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш тартиби ҳақидаги масала юзасидан айтган мулоҳазаларига ҳам э'тибор блан қарайди.

В. М. Молотов сўзини давом эттириб қуйидагиларни айтди: Муҳокама қилинаётган масалалар ҳақида батафсил гапириб ўтирмай, шуни айтиш керакки, Бевин жанобларининг айтган фикрлари умуман совет делегациясининг фикрига тўғри келади, деб ўйлайман.

Совет делегацияси ҳар ҳолда Германия блан тузиладиган сулҳ шартномаси Германия ҳукумати томонидан имзоланиши керак деган фикрда туради.

Биз Ўринбосарларимиздан олган докладда Британия ҳукуматининг Германия ҳукуматини ўз фикрларини баён қилишга таклиф этиш масаласи юзасидан қандай фикрда эканлиги айтилган. Британиянинг фикри қуйидагича баён қилинади: «ҳар ҳолда, Германия ҳукумати блан тузиладиган сулҳ шартномаси имзоланганига қадар бу ҳукуматнинг вакилларига сулҳ шартномасининг лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини баён қилиш имконияти берилади». Агар бу таклиф тўғри экан (бизнинг фикримизча, бу таклиф тўғрига ўхшайди), у ҳолда бу таклифдан шундай хулоса келиб чиқадики, Германия ҳукумати ўз фикрларини Сулҳ конференциясидан кейин бошқа бирон жойда ва бошқа бир вақтда эмас, балки Сулҳ конференциясининг ўзида баён қила олади.

Совет делегацияси Британия ҳукуматининг юқорида мен келтириб ўтган таклифидан шундай хулоса чиқармоқчи бўлади: Сулҳ конференцияси чақирилган вақтда, у Германия ҳукуматига ўз фикрларини баён қилиш имконини бериши керак. Биз Италияга нисбатан ва енгилган бошқа давлатларга нисбатан ҳам шундай қилган эдик. Бундай тартиб Германия ҳукуматининг шартномани бажариш учун жавобгар бўлишига кўпроқ имконият беради.

В. М. Молотов сўзининг охирида бундай деди:

— Бизларнинг ҳаммамиз Германияни демократлаштириш чораларини амалга ошириш зарур деб э'тироф қилмоқдамиз. Бу чоралар амалга оширилиши натижасида Германияда демократик ҳукумат барпо қилиниши керак. Биз шундай ҳукумат тузиш учун ҳозирданоқ шароит тайёрлай бошлашимиз лозим. Германия сулҳ шартномасини бажаришга жавобгар бўлмоғи учун Германия ҳукумати бу шартномани имзолаши керак.

☆

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши келгуси мажлисда Германия блан тузиладиган сулҳ шартномасини тайёрлаш тартибини муҳокама қилишни давом эттиради. (ТАСС).

МУВОФИҚЛАШТИРУЧИ КОМИТЕТНИНГ МАЖЛИСИ

24 мартда мувофиқлаштиручи комитетнинг мажлиси бўлди. Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши бу комитетга Германиядаги Иттифоқ Контроль Кенгашининг ҳисобот доклади муҳокама қилиниши муносабати блан Министрлар Кенгаши Москва сессиясининг дастлабки 12 мажлиси вақтида тақдим этилган таклифларга якун ясаш вазифасини топширган эди. Мувофиқлаштиручи комитет қайси масалаларда бир фикрга келинганлиги ва қайси масалаларда ихтилоф борлиги ҳақида ма'лумот бермоғи керак.

Мувофиқлаштиручи комитетнинг биринчи мажлисида СССР Ташқи Ишлар Министрининг Ўринбосари А. Я. Вишинский, иккинчи мажлисида Америка Қўшма Штатлари вакили генерал Клей раислик қилди. Буюк Британия делегацияси номидан генерал Робертсон, Франция делегацияси номидан Э. Альфан қатнашди.

Комитетнинг мажлисларида Иттифоқ Контроль Кенгаши докладининг ҳарбий кучларни битириш, нацистлардан тозалаш, Германияни демократлаштириш ва уни территория жиҳатидан қайта тузиш масалаларига бағишланган боблари муҳокама қилинган чоқда, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашига киритилган таклифлар кўрилди. (ТАСС)

Халқни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялайлик

Инқилобий фикр ва инқилобий ҳаракатнинг улуғ арбоблари бўлмиш Ленин ва Сталин большевиклар партиясининг, мамлакатимиз ишчилар синфи ва меҳнаткашларининг коммунизм йўлида ярим аср мобайнида олиб борган шонли курашига илҳом бериб, йўл кўрсатиб келдилар.

Большевизмга асос қўйган Ленин ва Сталин большевиклар партиясини ишчиларнинг кичкина тўгаракларидан тузиб уюштира бошладилар ва бу партияни совет халқининг олти миллион а'зоси бўлмиш жанговар етакчисига айлантирдилар. Улар партияни ғоявий жиҳатдан қуроллантирдилар, партиянинг кадрларини ғамхўрлик блан танлаб, тарбияладилар, уларни чоризмга, Россия капитализмига қарши, ишчилар синфининг барча душманларига қарши қаттиқ курашда чиниқтирдилар.

Ленин ва Сталиннинг таржимаий ҳоллари партиямизнинг, партияга асос қўйган ва унга йўлбошчилик қилган кишиларнинг капитализм асоратига қарши, мазлум халқларнинг манфаатлари учун, халқларнинг озодлиги ва бахти учун олиб борган олижаноб, мардона курашининг завқли йилномасидир.

Бундан ўттиз йил муқаддам. Россиядаги инқилобий тўфон сўнгги подшони тарихнинг ахлатхонасига ташлаган чоқда, муҳожаратда бўлган улуғ Ленин ўзининг «Узоқдан мактублар»ида ишчилар синфимизни эришилган муваффақиятлар блан қаноатланиб қолмасликка, социалистик революциянинг ғалабасига замин тайёрлаш учун пролетарларча уюшқоқлик намуналарини кўрсатишга чақирди. Турма ва сургунларда узоқ вақт бўлиб, 1917 йил 25 мартда инқилобий Петроградга қайтиб келган Ўртоқ Сталин худди ўша кунларда ишчилар синфини яна илгарилаб боришга да'ват этди.

Ленин ва Сталин ғоявий жиҳатдан бир-бирлари блан маҳкам ҳамкор бўлиб, большевиклар партиясини, ишчилар синфини дадил ва зўр ишонч блан капитализмга ҳужум қилиш, Советлар ҳокимиятини барпо қилиш учун бошлаб бордилар.

Большевиклар партияси марксизм-ленинизм назариясига—доим ғалаба қозонучи илмий коммунизм назариясига амал қилиб, совет халқини тўфон ва бўронлар орасидан олиб ўтди ва социализм ғалабасига келтирди.

Устозимиз ва доҳиймиз Ленин вафотидан кейин унинг буюк шогирди ва Ленин ишларини улуғ давом эттирувчи Ўртоқ Сталин партиянинг ҳамма душманларига қарши, ленинизм душманларига қарши курашда Ленин та'лимотини сақлаб қолди. Ўртоқ Сталин мамлакатни социалистик негизда қайтадан қуришдан иборат улуғ планни мукаммал тузди ва бу план унинг раҳбарлиги остида амалга оширилди.

«Сталин каби улуғ сиймони кўз олдига келтириш қийин, — деган эди С. М. Киров.—**Биз Ленинсиз ишлаётган вақтдан буён ўтган сўнгги йилларда бошқа ҳеч ким эмас, балки Ўртоқ Сталин ишимиздаги ҳарбир бурилишга, ҳарқандай катта ташаббусга асос қўйди, ҳарбир шиорни майдонга ташлади, сиёсатимизга йўл кўрсатди. Партия шуни билмоғи керакки, асосий ишларнинг ҳаммаси Ўртоқ Сталиннинг кўрсатмаси, ташаббуси блан, унинг раҳбарлиги остида амалга оширилмоқда.** Халқаро сиёсатга доир энг катта масалалар унинг кўрсатмасига мувофиқ ҳал этилмоқда ва фақат шу катта масалаларгина эмас, балки юзаки қараганда учинчи даражали ва ҳатто ўнинчи даражали бўлиб кўринса ҳам, мамлакатимизнинг ишчилари, деҳқонлари ва барча меҳнаткашларига тааллуқли масалалар уни қизиқтиради».

Совет кишилари ҳали текширилиб аниқланмаган йўллардан Ленин ва Сталиннинг, шонли большевиклар партиясининг етакчилигида дадиллик блан олға бордилар ва эски дун'ёнинг ҳамма кучларига қарши қаттиқ курашда социализм жамиятини қурдилар. Ленин ва Сталиннинг таржимаий ҳоллари инсониятнинг энг яхши, доно кишилари асрлар бўйи орзу қилиб келган ишларни амалга ошириш учун олиб борилган назарий ва амалий-сиёсий курашнинг намунасини кўрсатади.

Совет халқи янги, социалистик ҳаётни барпо этиш блан ленинизм дун'ёқарашини тобора кўпроқ эгалламоқда. Партиянинг омма ўртасида тарбия ишларини ҳормай-толмай олиб борганлиги орқасида социалистик Ватанга чексиз муҳаббат, мардлик ва жасурлик, ҳарқандай ғовларни бартараф қиладиган сабот ва матонат каби жуда муҳим хусусиятлар совет кишиларининг хусусияти бўлиб қолди.

Ленин ва Сталиннинг ғоялари, уларнинг янги ижтимоий тузум ғалабаси учун олиб борган кураши мамлакатни социалистик негизда қайта қуриш даврида ҳам, немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган Ватан уруши йилларида ҳам совет халқини илҳомлантирди. Биз совет тузумининг устунлиги орқасида, халқ иши учун олиб борилган жангларда синалган ва чиниққан большевиклар партиясининг доно раҳбарлиги орқасида бу урушда ғолиб чиқдик. Бу урушда совет халқининг, жангчи халқнинг, мамлакатни қайтадан қурувчи халқнинг улуғ ма'навий кучи бутун дун'ёга намоён бўлди.

Халқнинг улуғ доҳийлари ва устозлари Ленин ва Сталин эксплоататорларнинг халқ оммаси капиталга итоатли қул бўлишгагина ярайди, деб тўқиган қабиҳ ғояларини батамом фош қилиб ташладилар. Ленин ва Сталин, большевиклар партияси халқ оммасини тарихда мисли кўрилмаган мустақил ижодий ишларга отлантирдилар, халқ талантлари манба'ларини очиб бердилар, оммани ўз кучига, коммунизм ғалабаси мумкин эканлигига маҳкам ишонч блан руҳлантирдилар.

Сталинча янги бешйилликнинг улуғ вазифалари олдимизда турган ҳозирги пайтда марксизм-ленинизмнинг ўлмас ғоялари совет халқига йўл кўрсатучи ёруғ юлдуз бўлиб, омманинг ижодий меҳнатини ташкил этучи асосдир. Янги шароитда оммадаги коммунистик онгнинг аҳамияти беҳисоб ўсди. Партия ташкилотлари олдида мафкуравий ишларни кескин суратда кучайтириш, меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашга кўпроқ э'тибор қилиш вазифаси кўндаланг бўлиб турипти. Марксизм-ленинизмни пропаганда қилиш оммадаги коммунистик онгни ўстириш учун ҳал қилучи аҳамиятга эгадир. Ленин-Сталин ғоялари халқнинг Ватанимиз олдида турган улуғ мақсадларни яхшироқ англашига ёрдам беради, халқни совет давлатининг қудратини мустаҳкамлаш, аҳолининг моддий аҳволини янада яхшилаш ва маданий савиясини ошириш йўлида фидокорона меҳнат қилишга илҳомлантиради. Марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш совет халқининг ма'навий-сиёсий бирлигини янада мустаҳкамлайди, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги руҳида, халқлар дўстлиги руҳида тарбиялайди, меҳнаткашларнинг урушдан кейинги давр қийинчиликларини енгиш йўлларини тўғри тушинишларига ёрдам беради.

Халқни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашда большевиклар партияси ва совет давлатига асос қўйган ва уларнинг улуғ йўлбошчиси бўлган Владимир Ильич Ленин ҳамда Иосиф Виссарионович Сталиннинг ҳаёт ва фаолиятини ўрганиш жуда катта аҳамиятга эгадир.

Меҳнаткашларнинг ҳаммаси ҳам Ленин ва Сталин асарларини ўрганишга бирданига кириша оладилар деб бўлмайди. Кўпгина ишчи ва деҳқонлар учун Ленин ва Сталин асарларини ўқиши қийин ва оғир. Ленин ва Сталин таржимаий ҳолларини ўрганиш уларга жиддий ёрдам беради.

Владимир Ильич Ленин таржимаий ҳолининг янги нашри босилиб чиқиш арафасида турипти. Иосиф Виссарионович Сталин қисқача таржимаий ҳолининг тузатилган ва тўлатилган иккинчи нашри босилиб чиқди. ВКП(б) Марказий Комитети В. И. Ленин ва И. В. Сталин таржимаий ҳоллари босилиб чиқиши муносабати блан яқинда партия ташкилотларининг пропаганда ишлари тўғрисида қарор қабул қилди. ВКП(б) Марказий Комитети бу қарорида В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг таржимаий ҳолларини ўрганиш халқни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялаш учун жуда катта аҳамиятга молик деб кўрсатди.

В. И. Ленин ва И. В. Сталиннинг таржимаий ҳолларида большевиклар партиясига ва совет давлатига асос қўйган ва уларнинг йўлбошчилари бўлган кишиларнинг ҳаёти ва фаолияти оммабоп шаклда баён қилинади. Меҳнаткашларнинг ана шу таржимаий ҳолларни ўқишлари уларнинг В. И. Ленин ва И. В. Сталин асарларини ўргана бошлашларига ёрдам беради ва шу блан бирга, марксизм-ленинизм назариясини ўрганишга қизиқтирувчи кучли восита бўлади, марксизм-ленинизм назариясининг асосий қоидаларини тушинишга имкон беради.

Ленин ва Сталиннинг ҳаёти ҳамда фаолияти халққа фидокорона хизмат қилиш намунасидир. Ўртоқ Сталин бундай деди: «Агар ишчилар синфини кўтариш ва бу синфнинг социалистик давлатини мустаҳкамлаш соҳасида қилаётган ишимда ҳарбир қадамим ишчилар синфининг аҳволини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилмаганда эди, мен ўз ҳаётимни ма'носиз деб билган бўлур эдим».

Ленин ва Сталин инқилобий пролетариатнинг энг яхши хусусиятларини, чунончи: дадил фикр юргузиш, темирдек мустаҳкам ирода, инсонни эзишнинг ҳарқандай шаклларига нисбатан чексиз нафрат, омманинг ижодий кучларига, коммунизмнинг муқаррар тантана қилажагига чексиз ишонч каби хусусиятларни ўзларида гавдалантирадилар.

Ленин ва Сталиннинг таржимаий ҳолларини ўқиш революция доҳийларининг улуғ ҳамкорлигини, уларнинг ғоявий жиҳатдан мустаҳкам бирлигини халққа кўрсатиб беради.

Ленин блан Сталиннинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш кишиларни партияга, халққа социалистик ватанга муҳаббат руҳида тарбиялайди, меҳнаткашларнинг барча душманларига нисбатан нафрат ҳиссини кучайтиради, коммунизмнинг ғалаба қозониши йўлида ҳарқандай қийинчиликларни енгишга ўргатади.

Ленин блан Сталин таржимаий ҳолларини ўрганиш вазифасини кенг тарғиб қилиш, Ленин блан Сталин таржимаий ҳолларини мустақил ўқиш йўли блан, шунингдек тўгаракларда ўрганиш йўли блан яхши билиб олишда меҳнаткашларга ҳар жиҳатдан ёрдам бериш—барча партия ташкилотларининг бурчидир.

Ленин блан Сталиннинг таржимаий ҳолларини ўрганиш совет кишиларининг марксизм-ленинизм назариясига бўлган ҳавасларини янада оширади, уларни ғоявий жиҳатдан чиниқтиради ва социалистик Ватанни яшнатиш ҳамда унинг шуҳратини ошириш учун янада зўр фидокорлик блан меҳнат қилишга илҳомлантиради.

(«ПРАВДА»нинг 26 мартдаги бош мақоласи).

Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида

ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛАРИ ЎРИНБОСАРЛАРИНИНГ АВСТРИЯ МАСАЛАСИ БЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ КЕНГАШИДА

24 мартда Ташқи Ишлар Министрлари Ўринбосарларининг Австрия масаласи ҳақида бўлган мажлисида Австрия блан тузиладиган шартноманинг иқтисодий моддаларини муҳокама қилиш давом этди. (ТАСС).

✦ ✦ ✦

25 мартда Ташқи Ишлар Министрларининг Австрия масаласи блан шуғулланувчи ўринбосарлари экспертларнинг иқтисодий масалалар ҳақида топширган докладини муҳокама қилиб бўлдилар ва Австрия блан тузиладиган шартноманинг ҳарбий моддаларини кўришга киришдилар.

Ўринбосарлар Австриянинг рухсат бериладиган қуруқликдаги армиясининг сони ҳақидаги масалани яна муҳокама қилиб, Австриянинг қуруқликдаги армияси 53 минг кишидан ошмаслиги керак, деган қарорларга келдилар. Қурол-яроғларнинг махсус турларини тақиқлаш тўғрисидаги модда ўзаро келишиб тамомила ма'қулланди.

Сўнгра, министрларнинг ўринбосарлари шартноманинг сиёсий моддаларига доир бобни кўришга киришиб, нацистлар ташкилотларини тарқатиб юбориш тўғрисидаги модда ҳақида бир фикрга келдилар. Иттифоқчилар комиссиясининг иши даврида қабул қилинган ва фашистлар усул идорасини тугатишни ҳамда Австрияда демократик тартиб ўрнатишни назарда тутган қонунларни ўз кучида қолдириш тўғрисидаги моддани муҳокама қилган чоқда узоқ мунозара бўлди. Делегацияларнинг вакиллари томонидан баён қилинган турли фикрларни Министрлар Кенгашига тақдим этишга қарор қилинди.

Бундан аввал хабар берилганидек, Министрларнинг Австрия масаласи блан шуғулланувчи ўринбосарлари Австрия блан тузиладиган шартнома лойиҳасини тайёрлаш ҳақида 29 мартда Министрлар Кенгашига доклад топширишлари керак.

Бутун ўринбосарлар экспертларни тайинладилар. Экспертларга Министрлар Кенгашига топшириладиган докладни тайёрлаш топширилди. (ТАСС).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КОМИТЕТДА

Кўчириб олиб кетилган кишилар тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш

Мувофиқлаштирувчи комитет Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида кўчириб олиб кетилган кишилар тўғрисидаги масала муҳокама қилиниши муносабати блан тақдим этилган таклифларни 25 март эрта блан муҳокама қилишга киришди. Ма'лумки, Бирлашган миллатларга қарашли 827 минг киши шу вақтгача ғарбий оккупация доираларидаги лагерьларда қолиб келмоқда. Гитлерчилар буларни зўрлик блан Германияга кўчириб олиб кетган эдилар. Кўчириб олиб кетилган ана шу кишиларнинг 221.525 таси СССР гражданлари, 236.735 таси Польша гражданлари, 24.334 таси Югославия гражданларидир. Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашининг мажлисида совет вакили А. Я. Вишинский асосли ма'лумотлар келтирган эди. Бу ма'лумотлар кўчириб олиб кетилган кишиларнинг лагерьларда тамомила ҳуқуқсиз эканлигини ва моддий жиҳатдан жуда оғир аҳволда эканлигини, фашист унсурлар уларни доим қўрқитиб, дўқ қилаётганлигини ва уларнинг ўз ватанларига қайтишларига халақит бераётганликларини кўрсатади.

Совет делегацияси Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши Германиядаги Контроль Кенгашига иттифоқчи мамлакатларнинг гражданларини ўз юртларига қайтариш масаласи блан шуғулланувчи расмий вакилларининг кўчириб олиб кетилган кишилар турган лагерьларни бемалол бориб кўриш, уларнинг рўйхатларини ва улар тўғрисидаги ҳужжатларни текшириш, улар блан бемалол мусоҳаба қилиш ва шу сингари чораларнинг амалга оширилишини та'минлашни топширсин: кўчириб олиб кетилган кишилар учун ташкил этилган лагерьларда иттифоқчиларнинг манфаатларига ёки иттифоқчи давлатлардан биронтасининг манфаатларига қарши душманликдан иборат пропаганда ва агитация олиб бориш дарҳол тақиқлансин, шунингдек кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ўз юртларига қайтишларига қарши бўладиган ҳар қандай тарғибот дарҳол тақиқлансин, деб таклиф қилди. Совет делегацияси бошқа бирқанча амалий чораларни ҳам таклиф этди. Бу чораларнинг амалга оширилиши кўчириб олиб кетилган кишиларнинг фашист унсурлар томонидан қўрқитилишига ва террор қилинишига йўл қўймаслик учун имкон берган бўлур эди.

Мувофиқлаштирувчи комитетнинг мажлисида француз вакили Э. Альфан совет делегациясининг иттифоқчи мамлакатларнинг расмий вакилларига кўчириб олиб кетилган кишилар турувчи лагерьларни бемалол бориб кўриш учун рухсат бериш ҳақидаги таклифини қувватлади. У сўзига илова қилиб, иттифоқчи мамлакатларнинг вакиллари оккупациячи қўшин офицерлари блан бирга борсинлар, деб таклиф қилди.

Британия вакили генерал Робертсон бошқача йўл тутди. У, бундай деди: «Бирлашган Қироллик делегацияси бу масалада ҳали бирор йўл тутгани йўқ».

Совет вакили А. Я. Вишинский бунга э'тироз билдириб айтдики, совет делегацияси томонидан қўйилган масалага жавоб бериш учун кўп фурсат ва жуда ҳам пухта тайёргарлик кўриш шарт эмас. Бунда гап, ҳарбир иттифоқчи демократик давлат вакилларининг кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларни бориб кўриш ва ўз ватандошлари блан алоқа боғлашдан иборат табиий ҳуқуқи тўғрисида бораётир. «Менинг фикримча, — деди Вишинский, — бу масала Британия ҳукуматининг манфаатларига тааллуқли бўлганида, бошқа иттифоқчи давлатнинг шу масала юзасидан айтадиган фикри йўқ, дейиш кишини таажжублантирар эди, халос».

Совет вакили айтдики, Робертсоннинг берган жавоби аслда Англия ҳукуматининг совет ҳукумати вакилларига лагерьлардаги совет гражданларини бориб кўриш имконини беришга унамаганлигини кўрсатади. Англия ҳукуматининг шундай қилишига мазкур гражданларни яширишни, уларга ўз ватанлари тўғрисида, Совет мамлакати ҳақида гапиришга халақит беришни, кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ўз ватанига қайтиб келишига тўсқинлик қилаётган кишилар томонидан тарқатилаётган ёлғон гапларни рад этишга халақит беришни истаётганлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Робертсон ноқулай аҳволдан чиқишни истаб, совет делегацияси томонидан қўйилган масалага тўғри жавоб бермасликка уриниб кўрди. У айтдики, Германиядаги Контроль Кенгашининг докладида манфаатдор мамлакатларнинг вакиллари кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьлар ва тўпланиш жойларини бориб кўриш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида ўзаро келишиб қабул қилинган модда бор. Аммо, у шу ондаёқ қуйидагиларни айтди: «Мен бунда ташқи ишлар министримнинг ўз фикрини ҳали баён қилмаган масалаларда розилик бериши ёки бермаслиги тўғрисида ундан топшириқ олганим йўқ».

Вишинский бу гапларга э'тироз билдириб бундай деди:

— Биз аниқ жавоб эшитишимиз керак. Британия ҳукумати биз киргизган таклифга қўшиладими ёки қўшилмайдими. Эҳтимол Робертсон жаноблари ҳечқандай ваколатга эга эмасдир. Бундай мажлисларга вакрлат ҳуқуқини олмай келиш, унинг ўз ишидир. Аммо биз бу ерга бирор нарса тўғрисида умуман гап сотиш учун эмас, балки муайян амалий мақсадларни кўзда тутиб келдик. Ўз қарашларимизни аниқ ва равшан баён қилишимиз керак. Сиз, Иттифоқчилар Контроль Кенгашининг докладида манфаатдор мамлакатларнинг вакиллари кўчириб олиб кетилган кишилар жойлаштирилган лагерьларни ва тўпланиш пунктларини бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар, деб айтилганини асос қилиб келтирасиз. Аммо, бундай ҳуқуқни э'лон қилишнинг ўзигина кифоя эмас, — бу ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун ҳақиқий имконият бўлиши лозим. Биз, шундай ҳуқуқнинг амалга оширилиши та'минлансин, деб қаттиқ талаб этамиз ва шу сабабдан, ўз таклифимизни ўртага қўйдик.

Вишинский 1946 йил февраль ойида Бирлашган миллатлар ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган резолюцияни эслатиб ўтди. Бу резолюцияда айтилишича, ўз мамлакатларидаги аҳвол тўғрисида тўла ма'лумот олганларидан кейин, шунингдек, ўз мамлакатларидан тўла ахборот олганларидан кейин, ватанларига қайтиб келишга қарши асосли э'тирозларини тамомила эркин шароитда қат'ий ва муайян суратда баён қилган қочоқлар ва кўчириб олиб кетилган кишилар ватанларига зўрлик блан қайтарилмаслиги керак. Вишинский совет делегацияси бу фикрга тамомила қўшилади деб та'кидлади. Ҳечким ватанга зўрлик блан қайтарилмаслиги керак, аммо, иккинчи томондан, Бош Ассамблеянинг резолюциясида айтилган тўла ахборотнинг берилиши ва кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ватанларига қайтиш-қайтмасликни тамомила эркин суратда танлаб олишини ҳам та'минлаш керак.

Сўнгра, Вишинский қуйидагиларни эслатиб ўтди: Бевин 15 мартда Ташқи Ишлар Министрлари Кенгашида, Британия делегацияси кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ватанларига қайтишларига ҳар қандай йўл блан имконият бериш керак ва уларнинг ватанларига қайтишлари учун сра мони'лик қилмаслик керак, деган фикрга қўшилади, деган эди. «Мен шундай савол берамап: совет делегацияси Британия ҳукумати вакили томонидан ўз таклифининг қувватланишига умид боғлашга ҳақлими? Робертсон жаноблари Совет Иттифоқи, Югославия, Польшанинг расмий вакилларининг лагерьлардаги ўз ватандошларини ҳақиқатан ҳам эркин суратда бориб кўришларини та'минлаш лозим, деб ҳисоблайдими ёки бунга қаршими?».

Генерал Робертсон яна Иттифоқ Контроль Кенгашининг қарорига асосланиб, ана шу аниқ саволга жавоб беришга унамади.

Қўшма Штатларнинг вакили генерал Клей иттифоқчи давлатларнинг вакиллари кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларни бориб кўриш ҳуқуқига эгадирлар, деган расмий далилга таяниб, совет таклифини қабул қилаолмаслигини айтди. У, Вишинскийнинг кўчириб олиб кетилган кишилар бу лагерьларда тамомила ҳуқуқсиз аҳволда қолдирилган, деб айтган гапларига қарши э'тироз билдирди. Шундан кейин, Вишинский асосли далилларни келтирди. Бу далиллар кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ҳуқуқсиз аҳволда қолдирилганлигинигина эмас, балки шу кишиларга нисбатан ҳарқандай йўллар блан дўқ қилинаётганлиги ва очиқдан-очиқ муттаҳамчилик қилинаётганлигини тасдиқлайди. Вишинский жумладан айтдики, Америка доирасининг қўмондони генерал Макнерни 1946 йил 13 октябрьда лагерьлардаги кўчириб олиб кетилган кишиларнинг совет граждани эканлигини яшириш мақсадида, уларнинг «ҳеч қайси мамлакат граждани» эмаслиги тўғрисида ҳужжат берилганлигини тасдиқлади.

Бирор қарорга келиш иложи бўлмаганлиги сабабли, мувофиқлаштирувчи комитетнинг а'золари иттифоқчи давлатларнинг вакилларига кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларни бориб кўриш ҳуқуқини бериш масаласида тутган йўлларини қайд қилиш блан чекланишга мажбур бўлдилар.

Сўнгра, комитет совет делегациясининг иккинчи таклифини муҳокама қилишга киришди. Бу таклиф кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларда иттифоқчиларнинг ёки иттифоқчи давлатлардан биронтасининг манфаатларига душманчилик руҳида тарбиялашни тақиқлаш, шунингдек кўчириб олиб кетилган кишиларнинг ўз ватанларига қайтиб келишларига қарши ҳарқандай тартиботни тақиқлаш ҳақида эди.

— Совет ҳукумати, — деди А. Я. Вишинский, — бу моддага катта аҳамият беради, чунки ана шундай тарғибот ватанга қайтиб келишдан воз кечишнинг асосий сабабидир. Бунда гап, руҳий та'сир кўрсатиш, кўпинча жисмоний та'сир кўрсатиш йўли блан, кишиларнинг ўз ватанларига қайтиб келишига зўрлик блан тўсқинлик қилиш йўлидаги уринишлар тўғрисида бораётир.

Франция ва Америка вакиллари совет таклифига асосан қўшилдилар, аммо Британия вакили бунга э'тироз билдирди ва Иттифоқ Контроль Кенгаши докладининг кўчириб олиб кетилган кишилар тўғрисидаги 5-нчи бобини асос қилиб олиш блан чекланишни таклиф этди. Бу бобда қуйидагилар айтилган: «Кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларда Бирлашган миллатларнинг манфаатларига қарши ёки кишиларнинг ватанларига қайтиб келишига қарши ҳарқандай тарғибот тақиқланади». Шундан кейин Вишинский, Ташқи Ишлар Министрлари Кенгаши Контроль Кенгашига ва тегишли доиралардаги бош қўмондонларга Контроль Кенгаши докладининг ўзаро келишиб қабул қилинган шу моддасини ва бошқа моддаларни дарҳол амалга ошириш мажбурияти юклансин, деб таклиф қилди. Докладнинг шу бобига мувофиқ, кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган лагерьларда мазкур кишилар қайси мамлакатнинг гражданлари бўлса, ўша мамлакатларда чиқарилган газеталар, журналлар, брошюраларни тарқатишга рухсат берилади; тўпланиш пунктларидаги кўчириб олиб кетилган гражданларга ўз ватанларида чиқарилган кинофильмларни кўрсатишга рухсат берилади; кўчириб олиб кетилган гражданларнинг ўз мамлакатларида бўлган қариндошлари ва дўстлари блан хат ёзиб туриш учун халқаро алоқа воситаларидан бемалол фойдаланишларига рухсат берилади; Бирлашган миллатларга мансуб бўлиб, кўчириб олиб кетилган бедарак бўлиб кетган гражданларни ва ҳарбий асирларни қидириб топиш учун тузилган ташкилотлар ўз ишларини давом эттиришлари керак ва ҳоказо. Вишинскийнинг бу таклифи қабул қилинди.

Француз вакили Альфан Вишинский томонидан таклиф этилган тавсияномани докладнинг мазкур бобидаги биринчи моддасига нисбатан жорий қилишни таклиф этди. Бу моддада қуйидагилар айтилади: «Манфаатдор мамлакатларнинг вакиллари ўз гражданлари жойлашган лагерьларни ва кўчириб олиб кетилган кишилар учун очилган тўпланиш пунктларини мазкур гражданлар блан мусоҳаба қилиш мақсадида оккупациячи қўшинларнинг офицерлари блан биргаликда бориб кўришга ҳақлидирлар». Вишинский Альфаннинг таклифини қувватлади. Аммо, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британия вакиллари бу таклифга қат'ий суратда қарши чиқдилар ва шу тўғрида бирор қарорга келинмади. (ТАСС).

ПАРАГВАЙДАГИ ВОҚИАЛАР

БУЭНОС-АЙРЕС, 25 март (ТАСС). «Вссе де ла виктория» радиосининг берган хабарига қараганда, Парагвайда полковник Рамос қўл остида қўзғолон кўтарган қўшинлар Сан-Педро шаҳри районида ҳукумат қўшинларини тор-мор келтирганлар. Хабарларга кўра, ҳукумат қўшинларининг солдатлари қўзғолончилар томонига ўтмоқда.

Қўзғолончилар радиоси қўзғолончи қўшинларнинг янги қўмондони қилиб полковник Фабиан Салдивар Вильагра тайинланганлигини та'кидлади.

Парагвай пойтахти Асунсьондан олинган хабарларга қараганда, Парагвай президенти Мориниго таслим бўлиш ҳақида қўзғолончилар таклиф этган шартларни рад қилган.

И. В. Сталинга Румониянинг фахрий граждани унвони берилди

БУХАРЕСТ, 22 март (ТАСС). Барча газеталарда министрлар совети президиумининг қуйидаги ахбороти э'лон қилинди:

«Министрлар советининг бугунги мажлисида доктор Петру Гроза, Трансильваниянинг Румонияга қўшилганига икки йил тўлганлиги муносабати блан, фашистлар зулмидан халос бўлиш ва Румония давлатининг мустақиллигини тиклаш йўлида олиб борилган курашда берилган ёрдам учун бутун румин халқининг миннатдорлигини изҳор қилиш юзасидан Генералиссимус Сталинга Румониянинг фахрий граждани унвони берилсин, деб таклиф этди.

Министрлар Совети бу таклифни бир оғиздан қабул қилди ва доктор Петру Грозага совет халқларининг шонли доҳийсига министрлар советининг шу қарорини билдириш вазифасини топширди.

Бош министр Клуж шаҳар идораси Трансильваниянинг чегараларини тиклашда ва Румониянинг ҳуқуқлари учун курашда кўрсатилган ёрдам учун Шимолий Трансильвания халқининг миннатдорлигини изҳор қилиш юзасидан СССР Ташқи Ишлар Министри В. М. Молотовга Клуж шаҳрининг фахрий граждани, деган унвон берганлигини ҳам министрлар советига билдирди.

Доктор Петру Гроза яна бундай деди: ҳукуматнинг таклифига биноан, қирол ҳазратлари СССР Ташқи Ишлар Министрининг биринчи Ўринбосари А. Я. Вишинскийни Румониянинг бутун Трансильванияга бўлган ҳуқуқларини тиклашда ва Румония манфаатларини ҳимоя қилишда кўрсатган алоҳида хизматлари учун Катта крест кавалери даражали Қирол I ордени блан мукофотлади.

Министрлар Совети бу тантанали қарорлар ҳақидаги ахборотни катта хурсандчилик блан ма'лумотга олди».

ТАВРИЗДА ЭРОН МАЖЛИСИГА «САЙЛОВ»

ТЕҲРОН, 24 март (ТАСС махсус мухбиридан). Тавриздан олинган хабарларга қараганда, Тавризда Эрон мажлисига сайлов бошланган. Аҳоли бу сайловларга сра қизиқмаётир. Шаҳар марказидаги катта сайлов участкаларидан бирида 2 кун ичида фақат 120 киши овоз берган. Тавризда чиқадиган ба'зи газеталарнинг хабарига кўра, аҳолининг сайловларга бепарво қарашига сабаб шуки, сайловчилар сра ёқтирмаган номзодлар учун овоз беришга мажбур қилинаётирлар. Тавризда чиқадиган «Шоҳин» газетаси шу фактни та'кидлаб, «Озарбайжонга кузгундек ёпирилган жуда кўп номзодлар унинг танасига зулукдек ёпишиб олдилар» деб ёзади. Тавриздаги бирқанча газеталар сайлов муносабати блан муттаҳамчилик авж олганлигини ва овозларни сотиб олиш кучайганлигини ёзадилар. «Фар'ёд» газетаси сайловчиларнинг пора бериб сотиб олинаётганлиги ҳақида қуйидаги қизиқ ма'лумотларни келтиради: овоз беришда қатнашмоқ учун зарур бўлган паспорт 30 риал, бир номзоднинг овози 40 риал туради. Газетанинг ёзишича, зиёлилар сайловда қатнашмаётирлар Сайловда пулга сотилган ва ўз синфидан адашган кишиларгина қатнашмоқда. Газета «биз бундай номзодлар ва сайловларга нафрат блан қараймиз» деб ёзади. «Шоҳин» ва «Фар'ёд» газеталарининг бу сўзлари э'тиборни жалб қилади, чунки бу газеталарни демократик руҳдаги илғор газеталар деб бўлмайди.

Тавризлилар овоз бериши лозим бўлган номзодлар орасида Саид Зиё, Ҳалил Инқилоб ва бошқа шу каби машҳур ажнабий давлат агентлари ва игвогарлар бор. Ҳамма кўчалардаги уйларнинг деворлари ана шундай «ватанпарварлар» учун овоз беришга чақирган шиорлар блан қопланган. Аммо, бундай варақаларнинг кўпчилиги чизиб ташланган. Улар ёнига «Саид Зиёни сайлаш — Эрон халқининг ва бутун инсониятнинг манфаатларига хиёнат қилишдир», «Саид Зиёга ўлим», «Яшасин Озарбайжон демократлари» ва бошқа шу каби шиорлар ёзиб қўйилган.

Кўчаларда қамоқхоналардаги маҳбусларни полицияга ва ҳарбий дала судларига олиб кетаётган полициячилар кўп учрайди.

Сайловлар шундай шароитда ўтказилаётганлиги сабабли, Тавриз аҳолисининг руҳи тушган. Тавриздаги кўп кишиларнинг қариндошлари ёки танишлари демократик ҳаракатда қатнашганликлари учун қамоққа олинган.

Трумэн буйруғи

ВАШИНГТОН, 23 март (ТАСС). Трумэн дарҳол амалга ошириладиган бир буйруқ чиқарди. Бу буйруқда Америка Қўшма Штатларининг ҳукумат идораларида ишловчи хизматчиларни Қўшма Штатларга садоқатсиз деб гумон қилиш учун «етарли асос» бўлган ҳолларда уларни дарҳол ишдан бўшатиб юбориш ҳақидаги қоидалар белгиланади. Ҳукумат идораларидаги хизматчиларни ишдан бўшатиш учун адлия министри «тоталитар, ташкилот, фашист ва коммунист ташклот ёки кўпорувчи ташкилот деб, ёки бошқа кишиларнинг конституцион ҳуқуқларига тажовуз қилиш мақсадида зўрлик сиёсатини қўлланувчи, бу сиёсатни ҳимоя қилувчи ёки буни ма'қулловчи, ёҳуд конституцияга хилоф йўллар блан Америка Қўшма Штатларининг усул идорасини ўзгартиришга интилувчи ташкилот деб топилган ажнабий ёҳуд мамлакат ичидаги ташкилотларга бўйсунган ёки уларга ҳайриҳохлик қилган бирон уюшмада а'зо бўлиб туриш асос» бўлади.

Трумэн буйруғида адлия министрлигига ва тергов ишлари блан шуғулланувчи федераль бюрога ҳозирги вақтда Америка Қўшма Штатларининг ҳукумат идораларида ишлаб турган 2 миллион 300 минг хизматчини текшириб чиқиш, буннинг учун шубҳали кишиларни текширувчи федераль бюрода тўпланган ҳужжатлардан фойдаланиш, шунингдек келгусида ишга қабул қилинадиган барча хизматчиларни текшириш таклиф этилади. Бундан буён ҳукумат идораларига хизматга олишни сўраб, ариза берган кишилар вакиллар палатасининг Америкага қарши ишларни текширувчи комиссиядаги ҳужжатлар, армия ва денгиз разведкасида тўпланган ҳужжатлар, шунингдек «бошқа тергов ёки разведка органидаги» ҳужжатлар асосида текширилмоғи керак.

Трумэн буйруғида хизматчиларнинг «садоқатини кузатиб туриш бюролари»нинг вазифалари батафсил баён қилинади. Бу бюролар Америка Қўшма Штатларининг граждан хизмати комиссияси ва турли ҳукумат муассасалари ҳузурида тузилади ва бундан буён барча хизматчиларнинг садоқатли бўлиши учун жавобгар бўлади.

Трумэн ўз буйруғида ҳарбир ижроия органи ва муассаса хавфсизлик хизматини адо этмоқ учун штатда махсус та'лим кўрган кишилар сақлашни керак деб талаб этади. Буйруқда ҳарбир ҳукумат муассасаси ва органида ўзидаги хизматчиларнинг садоқатсизлиги ҳақида пайдо бўлган ишларни кўрмоқ учун камида уч кишидан иборат битта ёки иккита ички назорат бюроси тузилиши ҳам талаб этилади.

Бундан ташқари, буйруқда садоқатли бўлиш жиҳатидан текшириб кўрилган барча кишиларнинг номи ёзилган «умумий рўйхат» тузилиши назарда тутилади. Бу рўйхат хизматчилар қабул қилиш блан шуғулланувчи ҳамма ҳукумат вакилларига тегишли ма'лумот олиш учун асос бўлади.

УРУШ ВАҚТИДА ТУРКИЯНИНГ ТУТГАН ЙЎЛИ ҲАҚИДА «П. М.» ГАЗЕТАСИНИНГ ЁЗГАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, 26 март (ТАСС). «П. М.» газетаси илгари Туркия ҳукумати а'зоси бўлган бир кишининг икки мақоласини э'лон қилди. Бу киши уруш вақтида Анқарада хизмат қилган, шунингдек турли дипломатия лавозимларида ишлаган. Номи айтилмаган бу авторнинг ёзишича, Исмат Инону ҳукумати немислар Сталинградни олгандан кейин Германиянинг иттифоқчиси сифатида урушга қўшилмоқчи бўлган. Авторнинг айтишига кўра, Туркия сафарбарлик ўтказган ва Берлинда Сталинград олинди деб хабар э'лон қилингандан кейин 1942 йил 17 октябрьда уруш бошлашга қарор берган. «Ҳамма нарса тайёр эди, — деб ёзади мақола эгаси, — Туркия дўст бўлиш ҳақида Совет Иттифоқи блан шартнома тузганига қарамай, унга қарши уруш бошлашга тайёрланди». Аммо Инону Германия яқинда Туркия каби янги иттифоқчига эга бўлажагини фон Папенга телефон орқали айтмоқчи бўлганда, фон Папен немисларнинг Сталинград ёнида чекина бошлаганлигини билдирган. Шундан кейин Инону Туркиянинг мақсадини фон Папенга билдирмасдан, сафарбарликни дарҳол бекор қилган. «Бундан кейинги воқиалар, — деб ёзади автор, — Инону серган фон Папендан ҳар қанча миннатдор бўлса ҳам ҳақли эканлигини кўрсатди. Сталинград қўлдан кетмади, Туркия эса уруш вақтидаги «бетарафлигини» сақлаб қолди. Бу — ҳақиқатдир. Мен бу можаронинг гувоҳи эдим».

Сўнгра мақола эгаси бундай деди: уруш вақтида Туркиянинг сиёсатини армиядаги гитлерчилар тарафдори бўлган офицерлар назорат қилиб турди. Туркиянинг Берлиндаги элчиси генерал Гереде «армия ичидаги бу ҳаракатга» бошчилик қилди. Бу ҳаракатнинг қатнашчилари катта ер эгаси бўлган офицерлардан иборат бўлиб, улар герман юнкерларининг мақсадларини кўзда тутар эдилар. Ҳарбий завод эгаси генерал Нози айниқса Совет Иттифоқи ерлари ҳисобига Усмония империясини тиклашга уринаётган бошқа бир ҳарбий гуруҳга бошчилик қилди. Гитлерчилар агар Туркия бу урушда Германияга қўшилса, унга Қримни беришга ва'да қилдилар. Туркиядан чет мамлакатларга мол чиқарувчи кишилар Германияга хром етказиб бериб, уни қўллаб келдилар. Мақола эгасининг ёзишича, Туркия уруш вақтида немисларга ўз кемаларини Дарданел орқали ўтказишга рухсат берган. Ҳозирги вақтда, деб ёзади автор, иттифоқчилар тарафдори бўлган турклар ўз лавозимларидан ва идора ишларидан бўшатиб юборилмоқдалар, нацистлар бўлса Туркияда баҳузур яшамоқдалар, уруш вақтида нацизмни очиқдан-очиқ ёқлаб келган кишилар расмий лавозимларда ишламоқдалар. Туркияга икки минг оиладан иборат бир тўда кишилар хўжайинлик қилмоқда. Бу тўда «халқ—республика партияси» воситаси блан иш кўрмоқда ва деҳқонларни раҳмсиз суратда эзмоқда. Ҳукумат ташқи савдо ишларини, хусусий заводларнинг ишини назорат қилиб турмоқда ва ҳукмрон синфнинг манфаатларини ҳимоя қилмоқда. Туркия ҳукумати халқнинг норози бўлаётганлигини сезади ва «қизиллар хавфини» пеш қилиб, бунга қарши чора кўришга тиришади».

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ДЕПУТАТЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АНГЛИЯДА

ЛОНДОН, 25 март (ТАСС). СССР Олий Совети депутатлари делегацияси а'золарининг А. А. Фадеев бошчилигидаги бир гуруҳи кеча Англиядаги энг катта киностудиялардан бири «Пайнвуд» киностудиясини бориб кўрди. Депутатлардан Фадеев, Симонов, Бажан ва бошқалар студия артистлари Валерия Хобсон ва Жен Саймонс блан, шунингдек режиссёр Рональд Ним ва артист Сабу блан танишдилар. Инглиз артистлари совет кино артистлари ва постановкачиларининг ишига, уларнинг ижодий иш шароитига жуда қизиқдилар. Депутатлар суратга олучи бир гуруҳ артистлар блан хайирлашиб кетаётган вақтида, артист Жорж Вудбриж Фадеевни тўхтатиб, унга: «биз ҳаммамиз мамлакатингизни самимий севамиз. Совет Иттифоқига қайтганингиздан кейин буни халқингизга айтингиз», деди. Студия бошлиғи Жорж Арчибальд меҳмонларни табриклаб сўзлаган нутқини «бизлар, Англия кишилари Совет Иттифоқининг Германияга қарши олиб борилган урушда қандай катта роль ўйнаганлигини ҳеч қачон унутмаймиз» деб тамомлади.

Депутатларнинг генерал-полковник М. М. Громов бошчилигидаги бошқа бир гуруҳи Британия радио эшиттириш уюшмасини (БРК) бориб кўрди. Вакиллар бу ерда радио студияси ва телевидение марказининг ускуналарини кўздан кечирдилар, радио эшиттириш ишларининг уюштирилиши ва усуллари блан танишдилар.

Бош министр Эттли СССР Олий Совети депутатлари делегацияси шарафига зиёфат берди.

ДАМАШҚДА СОВЕТ ИТТИФОҚИГА БОРГАН СУРИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ШАРАФИГА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

БЕЙРУТ, 24 март (ТАСС). СССР блан маданий алоқа қилувчи Сурия жамияти 22 мартда Дамашқда Совет Иттифоқидан қайтиб келган Сурия делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди. Делегация чет эллар блан маданий алоқа қилувчи Бутун Иттифоқ жамиятининг таклифига биноан, СССРга келган эди. Қабул маросимида Сурия миллий мудофаа министри Аҳмад Шаробатий, парламент депутати Носиҳил-Бухорий, маориф министрлигининг вакиллари, Дамашқ университетининг профессорлари, бошланғич ва ўрта мактабларнинг ўқитувчилари, медицина ходимлари, матбуот вакиллари ва бошқа кишилар ҳозир бўлдилар. Вакилларга Совет Иттифоқи ҳақида, совет халқининг ҳаёти ҳақида жуда кўп саволлар берилди. СССР ҳақида бирқанча лекциялар ўқилсин деб илтимос қилинди. Қабул маросими вақтида меҳмонлардан ба'зилари табрик нутқи сўзладилар. Улар Совет Иттифоқи блан араб мамлакатлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш зарурлигини айтдилар.

Совет Иттифоқига борган Ливан делегациясининг а'зоси доктор Жорж Ханна «Телеграф» газетасининг мухбири блан қилган суҳбатида, Совет Иттифоқида делегация самимий кутиб олинди, деди.

Ханна ўз суҳбатининг охирида бундай деди: «Биз Совет Иттифоқидаги икки шарқ республикасини — Ўзбекистон ва Озарбайжонни бориб кўрдик. Яқиндагина бу республикалар қолоқ ўлка эди, ҳозир эса, улар мисли кўрилмаган даражада тараққий этганлар».

КВЕЛЬПАРТ ОРОЛИДА ҒАЛАЁНЛАР

ПХЕНЬЯН, 21 март (ТАСС). Сеул газеталарининг билдиришига қараганда, Квельпарт оролида (Жанубий Қурия) 1 мартда Қурия мустақиллиги куни байрам қилинган вақтда, халқ намойишининг ўққа тутилиши муносабати блан бошланган ғалаёнлар давом этмоқда. Илгари хабар берилганидек, ўша куни Сеулда, Фузанда ва Америка оккупация доирасининг бошқа жойларида ҳам полиция блан қонли тўқнашлар бўлган эди. Квельпарт оролида 1 март куни намойишчилардан олти киши ўлдирилди ва 23 киши ярадор қилинди. Шу муносабат блан ғалаён ва иш ташлаш бошланди. Иш ташловчилар намойишчиларга ўқ узган полиция ходимларининг ҳаммасини ишдан бўшатишни ва жазолашни талаб қилдилар.

Квельпарт оролидаги ғалаёнларни бостириш учун Жанубий Қуриянинг бошқа районларидан дарҳол 800 полиция ходими юборилди.

Мас'ул муҳаррир: С. РАЖАБОВ.

КИНОТЕАТРЛАРДА

«ҚИЗИЛ ОКТЯБРЬ»—янги бадиий тарихий фильм «Варяг» крейсери; СОБИР РАҲИМОВ НОМЛИ КИНОТЕАТР—Полк ўғли; «ТЎҚҚИЗИНЧИ МАЙ» (1-нчи трамвайнинг «Сирли мачит» остоновкаси)—Қайтиш; «ИСКРА»—янги бадиий фильм Глинка; «УЗБЕКИСТОН»—Ҳужум маркази; «НОВОСТИ ДНЯ»—Оқариб кўринар ёлғиз елкан; «ВЕСНА»—Виборг томони; АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КЛУБИ—Лўлиларнинг сўнгги чайласи; «ПОБЕДА» (Шивли бозор)—Аламаслар дараси.

Тошкент қишлоқ райони, 1-нчи бўлим халқ суди билдирадики, М. Содиқбекованинг М. Бердиевдан ажралиш ҳақидаги аризаси судда кўриш учун қабул қилинди.

«Кизил Узбекистон» ва «Правда Востока» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тиражи 64.5 минг.

Р. 03113. № 126.